

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ АМУЛЛО АШУРОВИЧ

**РЕКРЕАТИВЛИК – ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАНИНГ
ГЛОБАЛ ҚОНУНИЯТИ СИФАТИДА:
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора наук (DSc)

Contents of dissertation abstract of Doctor of Science (DSc)

Каримов Амрулло Ашурович

Рекреативлик – замонавий тележурналистиканинг глобал
қонуниятлари сифатида: миллий ва халқаро тажриба..... 3

Каримов Амрулло Ашурович

Рекреативность как глобальная тенденция современной
тележурналистики: национальный и международный опыт..... 37

Karimov Amrullo Ashurovich

Recreation as a global legitimacy of modern television journalism:
national and international experience..... 69

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ
List of published works..... 74

**ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ
ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.03/30.12.2019.Fil/Ped.27.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АСОСИДА БИР МАРТАЛИК ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ЖАҲОН ТИЛЛАРИ УНИВЕРСИТЕТИ

КАРИМОВ АМУЛЛО АШУРОВИЧ

**РЕКРЕАТИВЛИК – ЗАМОНАВИЙ ТЕЛЕЖУРНАЛИСТИКАНИНГ
ГЛОБАЛ ҚОНУНИЯТИ СИФАТИДА:
МИЛЛИЙ ВА ХАЛҚАРО ТАЖРИБА**

10.00.09 – Журналистика (филология фанлари)

**Филология фанлари доктори (DSc) диссертацияси
АВТОРЕФЕРАТИ**

ТОШКЕНТ – 2023

Фан доктори (DSc) диссертацияси манускрипти Узбекистон Республикаси Вазирлар Маъмурияти ҳузуридаги Олий илмий кенгаши рақамли №2022А.ДҶс/В469 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Узбекистон давлат жаҳон тиллари университетида баҳариланган.
Диссертация автореферати уч тилда (Ўзбек, рус ва инглиз (русча)) Илмий кенгашнинг веб-сайтлари (www.uzwlu.uz) ва «Ziyoule» Аxbорот таланим порталида (www.ziyoule.uz) жойлаштирилган.

Илмий масlahатчи: Мумини Файзулла Абдулхамид
филология фанлари доктори, профессор

Расмий ошномчилар: Наректон Қарим Нармазович
тарих фанлари доктори, профессор

Худойкулов Мухтор
филология фанлари доктори, профессор

Мухамедова Савлат Худойбердиевна
филология фанлари доктори, профессор

Ўтказчи ташкилот: Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университети

Диссертация ҳимояси Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи DSc 03/30 12 2019 Г.В.Ред 27.01 рақамли Илмий кенгаш асосида бир марталик Илмий кенгашнинг 2023 йил «14-инвент» куни соат 13⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтган (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 1-9а квартал, 21а. Тел: (998 71) 230-12-91, (99871) 230-12-92, e-mail: www.uzwlu_info@mail.ru).

Диссертация билан Ўзбекистон давлат Жаҳон тиллари университети Аxbорот ресурс марказида таништириш мумкин (2 рақам билан рўйхатга олинган) (Манзил: 100138, Тошкент шаҳри, Кичик халқа йўли кўчаси, 1-9а квартал, 21а. Тел: (998 71) 230-12-91, (99871) 230-12-92, e-mail: www.uzwlu_info@gmail.ru).

Диссертация автореферати 2022 йил 30-декабрь куни тарқатилди
(2022 йил 30-декабрь) рақамли реестр баёниномаси.



Г.Х. Бакиева
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш раиси, филол.ф.д., профессор

Х.Б. Самилова
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш котиби, филол.ф.д., доцент

Х.А. Сандов
Илмий даражалар берувчи бир марталик
илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар
раиси, филол.ф.д.

КИРИШ (фан доктори (DSc) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Сўнги 30 йил давомида телевидение ҳам технологик, ҳам ижодий жиҳатдан глобал миқёсда беқиёс тараққиётга юз тутди. Телевизион индустрия тижоратлашуви натижасида телевизион ахборот бозори мазмуни ва таркиби тубдан ўзгарди, ундаги эҳтиёж ва талабларга тезкор жавоб берувчи иштирокчи телевизион ташкилотлар сони тобора кўпайиб бормоқда. Шу боис замонавий телевидениенинг кўнгилочар, рекреатив функцияси етакчи функция сифатида олдинги ўринларга чиқмоқда. Рекреация (лотин тилидан олинган бўлиб “recreatio” - тиклаш) – “дам олиш, кўнгил очиш, инсон ички кучларини тиклаш каби маъноларни билдиради”¹. Соҳага оид илмий адабиётларда телевизион журналистиканинг рекреатив вазифаси алоҳида йўналиш сифатида ривожланиб бормоқда, зеро “аҳолининг дам олишга, ижтимоий ҳаётга ижобий таъсир этиши одамлардаги ҳар хил стресс ҳолатларни пасайтиришга хизмат қилиши ҳақида сўз боради”².

Жаҳоннинг етакчи журналистика тадқиқот марказларида, жумладан, АҚШ, Ўзбекистон, Жанубий Корея, Россия каби давлатларда рекреатив журналистиканинг моҳияти, ифодалари, таркибий унсурлари, унинг ривожланиш динамикаси, техник ва технологик тараққиёти ва форматларига оид қатор илмий изланишлар амалга оширилмоқда. Ушбу мамлакатларда рекреатив журналистика мазмуни, унинг методологик жиҳатларини акс эттирувчи илмий-назарий масалаларга бўлган ёндашувларнинг хилма-хиллиги ҳамда ушбу масалани фанлараро миқёсда ўрганиш тенденцияси кузатилмоқда. Шу билан бирга, глобал миқёсда телевидениеда кўнгилочар дастурлар воситасида баркамол авлодни тарбиялаш, эстетик дид ва савиясини оширишга қаратилган сифатли контент яратиш масаласи долзарб аҳамият касб этмоқда. Бундан ташқари, миллий ТВда рекреатив кўрсатувлар, уларнинг ўзига хос хусусиятлари, қонуниятлари ютуқ-камчиликларини ўрганиш, бунда журналист маҳоратининг ўрнини аниқлаш, бу борадаги миллий ва хорижий тажрибани қиёсий таҳлил этиш, рекреативлик замонавий журналистиканинг глобал қонунияти сифатида ривожланишининг назарий тамойиллари, илмий мезонларини белгилаш зарурати ҳам мавзунинг долзарблиги исботидир.

Президент Шавкат Мирзиёев таъбири билан айтганда, “ҳуқуқий демократик давлат қураётган эканмиз, журналистиканинг бутун дунёда эътироф этилган, ўзгармас талаб ва мезонларига амал қилишимиз зарур. Бу мезонларнинг энг асосийси – холислик ва ҳаққонийликдир”³. Шунга кўра, рекреатив журналистиканинг табиати, тизими ва йўналишлари, ривожланиш тенденциялари, мавзули-муаммоли йўналишлардаги жиҳатларни, унинг жанрий тадрижини, тил ва услуб жараёнларидаги қонуниятларни илмий–

¹Новейший социологический словарь. Минск. Книжный дом, 2010. – С.849.

²Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я. Телевизионная журналистика. Изд-во МГУ, 4-е изд. – М.: 2002. – С.52.

³Матбуот ва оммавий ахборот воситалари ходимларига <https://uza.uz>, 26.06.2020.

назарий жиҳатдан тадқиқ этиш журналистика назариясининг кенг қамровли долзарб масаласи сифатида ўрганилиши тақозо этилади.

Ўзбекистон Республикасининг “Ахборот олиш кафолатлари ва эркинлиги тўғрисида”ги, “Ахборот эркинлиги принциплари ва кафолатлари тўғрисида”ги, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги, “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунлари, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Mahalla” маърифий телерадиоканалини ташкил этиш ва рақамли телекўрсатувларни янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 2014 йил 17 декабрдаги ПҚ-2273-сонли қарори, “O‘zbekiston tarixi” телеканалини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисида” 2019 йил 11 июлдаги ПҚ-4390-сонли қарори, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги “Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида”ги ПФ-4947-сон Фармони, 2017 йил 20 апрелдаги “Олий таълим тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-2909-сон, 2019 йил 2 февралдаги “Ахборот соҳаси ва оммавий коммуникацияларни янада ривожлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ-5653-сон Фармони ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Ушбу диссертация республика илм-фан ва технологияларини ривожлантиришнинг “Ахборотлашган жамият ва демократик давлатни ижтимоий, ҳуқуқий, иқтисодий, маданий, маънавий-маърифий ривожлантиришда инновацион ғоялар тизимини шакллантириш ва уларни амалга ошириш йўллари” устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий-тадқиқотлар таҳлили⁴. Телевизион журналистика контекстида, телевидениенинг вазифалари, хусусан рекреатив журналистика ривожини, тенденциялари ва муаммолари бўйича назарий ва амалий йўналишларда ўрганишга йўналтирилган илмий изланишлар жаҳоннинг етакчи илмий марказлари ва олий таълим муассасалари, жумладан, SOAS University of London (Буюк Британия), University of Huddersfield (Буюк Британия), University of California (АҚШ), Michigan State University (АҚШ), Arizona State University (АҚШ), Università Roma Tre (Италия), L'Università di Torino (Италия), Universitatea Babeş-Bolyai (Руминия), The University of Oradea (Руминия), University of Northumbria (Буюк Британия), University of Bristol (Буюк Британия), Huazhong University of Science and Technology (Хитой), Fudan University

⁴Диссертация мавзуси бўйича хорижий илмий тадқиқотлар шарҳи. www.soas.ac.uk, www.universityofcalifornia.edu, <https://admissions.msu.edu>, www.uniroma3.it, <https://www.unito.it>, www.ubbcluj.ro/en, www.uoradea.ro, <https://www.unprme.org/newcastle-business-school-northumbria>, www.bristol.ac.uk, www.english.hust.edu.cn, www.fudan.edu.cn/en, <http://bigc.admissions.cn>, www.english.neu.edu.cn, <https://homeadmin.usc.edu>, www.spbu.ru, www.tksu.ru, www.dsmi.uz, www.uzswlu.uz ва бошқа манбалар асосида амалга оширилди.

(Хитой), Beijing Institute of Graphic Communication (Хитой), Northeastern University (Хитой), University of Southern California (АҚШ), Санкт-Петербург давлат университети (Россия), Калуж давлат университети (Россия), Ўзбекистон давлат санъат ва маданият институти (Ўзбекистон), Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети (Ўзбекистон)да олиб борилмоқда.

Мавзунинг ўрганилганлик даражаси. Рекреатив журналистика шакллари ва муайян муаммолари бўйича хорижда ва мамлакатимизда қатор илмий ишлар мавжуд. Рекреативликнинг айрим функциялари, форматлари, жанрий ифодалари ва маҳорат каби жиҳатлари Г.В.Кузнецов, В.Л.Цвик, А.Я.Юровский, Н.В.Вакурова, В.В.Ворошилов, Е.В.Поберезникова, Я.П.Засурский, М.А.Бережная, В.Третьяков⁵ каби рус олимлари асарларида тадқиқ қилинган. Хориж тадқиқотчиларидан Э.Тоффлер, Д.Рашкофф, А.Швейцер, Л. Кингнинг илмий мақола, тадқиқот ва рисолаларида рекреативликнинг тарқалиш тенденциялари, ахборот жараёнларидаги рекреатив жиҳатлар, рекреатив телекўрсатувлар самарадорлигига персонификациялашувнинг таъсири, муаллифлик кўнгилочар кўрсатувларда қаҳрамон ва бошловчи муносабатлари, шунингдек, рекреатив журналистика амалиётига оид назарий-танқидий қарашлар баён этилган.

Телевизион ўйин ва кўнгилочар маданий шакллар ОАВнинг рекреатив таркибий унсури ва бўш вақтни тўлдириш усули сифатида Ю.Г. Волкова, Э.И. Дукова, Г.Е. Зборовский, Ю.А. Леваду, Б.Д. Парыгина, Э.В. Соколова, А.Я. Флиера, Н.А. Хренова ва бошқаларнинг асарларида тадқиқ этилган⁶. Г.А. Аванесова, Л.А. Акимова, Б.С. Моисеева, А.С. Орлова, Ю.А. Стрельцова ва бошқаларнинг ишлари нафақат ОАВ, балки кенг маънода, яъни медиа воситасида туризм, саломатлик, жисмоний тарбия ва спорт, маданият жабҳаларида рекреацион жараён ва ҳодисаларни ўрганишга бағишланган⁷.

Т. Адорно, Ж. Бодрийяр, П. Бурдьё, П. Лазарсфельд, Г. Лассуэлл, Н. Луман, Г.- М. Маклюэн, А. Менегетти, Р. Мертон, К. Теплиц, Э. Тоффлер, Ф. Уэбстер, М. Хоркхаймер, П. Шампань ва бошқаларнинг асарларида

⁵Кузнецов Г.В. Так работают журналисты ТВ. 2-е изд. – М.: МГУ, 2004.; Кузнецов Г.В., Цвик В.Л.Юровский А.Я. Телевизионная журналистика, Изд-во МГУ, 4-е изд. М.: 2002.; Вакурова Н.В., Московкин Л.И. Типология жанров современной экранной продукции. – М.: 1998.; Поберезникова Е.В. Телевидение взаимодействия. Интерактивное поле общения. – М.: Аспект Пресс, 2004. Рашкофф Д. Медиавирус. Как поп-культура тайно воздействует на ваше сознание / Пер. с англ. Д.Борисов. – М.: Ультра. Культура, 2003.; Засурский Я.П. Журналистика и мир на рубеже тысячелетий, Изд-во МГУ, 2000., Бережной М.А. “Телевизионный журналист. Основы творческой деятельности”– М.: Аспект Пресс, 2017.; Кинг Л. Как разговаривать с кем угодно, когда угодно и где угодно (перевод с английского) 4-е изд. – М.: Альпина Паблишер, 2009., Третьяков В. Как стать знаменитым на телевидении, – М.: Научно-издательский центр “Ладомир”, 2016.

⁶Волков Ю.Г. Личность и гуманизм. – Челябинск, 1995; Бремя развлечений: Опиум в Европе XVIII-XX вв. - СПб., 2006; Массовая культура на рубеже веков. – М., СПб., 2005; Зборовский Г.Е. Досуг: действительность и иллюзии. – Свердловск, 1970; Левада Ю.А. В мире аудиовизуальной коммуникации нужен новый тип газеты // Сборник: Пресса в обществе (1959-2000). - М., 2000; Парыгин Б.Д. Научно-техническая революция и личность. - М., 1978; Соколов Э.В. Духовное становление человека. – Л., 1972; Соколов Э.В. О культурной ценности досуга. – Л., 1968; Флиер А.Я. Культурология для культурологов. – М., 2000; Хренов Н.А. «Человек играющий» в русской культуре. – СПб., 2005.

⁷Аванесова Г.А. Культурно-досуговая деятельность – М., 2006; Акимова Л.А. Социология досуга. – М., 2003; Моисеева В.С. Рекреационные технологии. – СПб., 2007; Орлов А.С. Социология рекреации. – М., 1995; Стрельцов Ю.А. Культурология досуга. - М., 2002.

массмедиа воситасида манипуляцияни амалга ошириш восита ва технологияларини тадқиқ этиш давомида рекреация жараёнларида ҳам манипулятив технологияларни қўллаш таъсирлари ўрганилган⁸.

Россия ва МДХ мамлакатлари тадқиқотчилари Е.В. Ахмадулин, Н.Н. Богомолова, Б.А. Грушин, С.Г. Корконосенко, Г.В. Кузнецов, Г.С. Мельник, М.М. Назаров, Г. Пёршке, Е.П. Прохоров, А.Н. Тепляшина, В.Т. Третьяков, Л.Н. Федотова, И.Д. Фомичева, Г.И. Хмара, В.Л. Цвик, А.А. Шерель, Ю.А. Шерковин асарларида оммавий коммуникация жараёнларида рекреациянинг ўрни, функциялари, таъсири, у билан боғлиқ бўлган турдош ҳодисалар социологик, психологик, физиологик, педагогик ва бошқа ёндашувлар ҳамда тегишли терминологияни ишлаб чиқиш кесимида ўрганилган⁹.

С.Н. Акинфиев, М.Е. Аникина, А.С. Вартанов, Е.Л. Вартанова, Д.Б. Дондурей, С.С. Ильченко, А.В. Колесниченко, Б.Н. Лозовский, В.К. Мамонтов, С.А. Муратов, И.А. Новикова, К.Э. Разлогов, А.Е. Роднянский, С.С. Смирнов томонидан массмедиаининг рекреатив имкониятлари мазмун, жанр, тарбиявий-ахлоқий аспектда таҳлил қилинган¹⁰.

Юқоридагиларга таянган ҳолда, рекреатив журналистика соҳасидаги мавжуд илмий-назарий бўшлиқни тўлдириш зарурати кун тартибидаги долзарб вазифа ҳисобланади.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилаётган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университетининг “Халқаро журналистика назарияси ва амалиётининг долзарб масалалари”

⁸Бодрийяр Ж. Общество потребления. – М., 2006; Бурдые П. О телевидении и журналистике. – М., 2002; Маклюэн Г.М. Понимание медиа. – М., 2003; Луман, Н. Реальность массмедиа. - М., 2005; Менегетти А. Система и личность. [Электронный ресурс]. Режим доступа:; Мертон Р.К. Явные и латентные функции // Американская социологическая мысль. – М., 1994; Теплиц К.Т. Все для всех. — М., 1996; Тоффлер Э. Шок будущего. – М., 2002; Уэбстер Ф. Теории информационного общества. - М., 2004; Хоркхаймер М., Адорно, Т.Диалектика просвещения. - М., СПб., 1997; Шампань П. Двойная зависимость//Socio-Logos" 96. – М., 1996.

⁹Ахмадулин Е.В. Краткий курс теории журналистики. – М., Ростов н/Д, 2006; Богомолова Н.Н. Социальная психология массовой коммуникации. – М., 2008; Корконосенко С.Г. Основы журналистики. – М., 2001; Массовая информация в советском промышленном городе. – М., 1980; Мельник Г.С., Тепляшина А.Н. Основы творческой деятельности журналиста. – СПб., 2004; Назаров М.М. Массовая коммуникация и общество. – М., 2003; Основные понятия теории журналистики. – М., 1993; Прохоров Е.П. Введение в журналистику. – М., 1979; Прохоров Е.П. Введение в теорию журналистики. – М., 2002; Радиожурналистика / Под ред. А.А. Шереля. – М., 2002; Телевизионная журналистика. – М., 2002; Третьяков В.Т. Как стать знаменитым журналистом. – М., 2004; Федотова Л.Н. Социология массовой коммуникации. – СПб., 2004; Фомичева И.Д. Социология СМИ. – М., 2007; Хмара Г.И. Печать в системе массовых коммуникаций // Проблемы социологии печати. Вып.1. – Новосибирск, 1969; Шерковин Ю.А. К вопросу о природе и функциях массовой коммуникации в современных условиях. — Тарту, 1967.

¹⁰Акинфиев С.Н. Жанровая структура российского развлекательного телевидения // Автореф. дисс. канд. филол. н. – М., 2008; СМИ в меняющейся России. – М., 2010; Вартанов А.С. Актуальные проблемы телевизионного творчества. – М., 2003; Ильченко, С.С. Артефакты «массовой культуры» как базисная единица современного телевидения // Вестник СПбГУ. Серия 9. 2009. Вып.2. 4.1; Колесниченко А.В. Зарубежные исследования аудитории прессы. – М., 2009; Лозовский Б.Н. Манипулятивные технологии управления средствами массовой информации. – Екатеринбург, 2008; Муратов С.А. ТВ - эволюция нетерпимости. - М, 2000; Новикова А.А. Идеология как развлечение: телевизионный этап проекта «Имя России» // Сборник материалов Всероссийской научно-практической конференции. – М., 2009; Разлогов К.Э. Коммерция и творчество: враги или союзники? – М., 1992; Телевидение: режиссура реальности. – М., 2007.

мавзусида олиб борилаётган истиқболли илмий тадқиқот режаси доирасида бажарилган. Диссертация асосида Ўзбекистон давлат жаҳон тиллари университети медиа ва коммуникация факультети талабалари учун “Аудиовизуал журналистика (тележурналистика)” фани доирасида маърузалар ўқилиб, амалий машғулотлар олиб борилади. Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети Журналистика факультетида, Ўзбекистон журналистика ва оммавий коммуникация университетида, Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида, Қорақалпоқ давлат университетида, Ал-Фаробий номидаги Қозоғистон миллий университети, Хожа Аҳмад Яссавий номидаги халқаро қозоқ-турк университетида ўтказилган конференция, семинар, давра суҳбатларида мавзуга доир маърузалар қилинган.

Тадқиқотнинг мақсади телевидениеда рекреатив кўрсатувларнинг замонавий журналистиканинг глобал қонунияти сифатида ўрни ва аҳамиятини назарий асослашдан иборат.

Тадқиқот ишининг вазифалари:

“рекреатив” атамаси таърифини шакллантириш, унинг асосий хусусиятларини аниқлаш, жамиятда телевидение ёрдамида дам олиш усулларини ва амалиётининг шаклланиши ҳамда ривожланишини таҳлил қилиш;

ТВнинг рекреатив функциясининг асосий жиҳатларини аниқлаш ва бундай қарашларни тизимлаштириш, бошқа медиа функциялари тизимида тутган ўрни ва ўзаро таъсирини тадқиқ этиш;

журналистларнинг рекреатив функцияни амалга оширишдаги мақсад ва мотивларини белгилаш;

рекреатив функцияни амалга оширишда стратегияни белгилашнинг бош омилларини таҳлил қилиш, шунга асосланган ҳолда, медиа стратегияларни типларга ажратиб кўрсатиш;

ўрганилган функцияни амалга ошириш ва медиаматнда фойдаланиладиган рекреатив элементларнинг жанр-тематик усулларини аниқлаштириш кабилар.

Тадқиқот объекти телевидениенинг рекреатив функциясини амалга оширишга қаратилган фаолияти бўлиб, мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат телеканалларда эфирга узатилган, рекреатив вазифани ўзида ифода этган кўрсатувлар ўрганилган. Қиёс учун АҚШ, Россия, Жанубий Корея телеканалларидан мисоллар келтирилади.

Тадқиқот предметини телевидениенинг рекреатив функцияси бажарилаётган кўрсатувларнинг асосий хусусиятлари, мазмун-мундарижаси, проблематикаси, шакл-шамойиллари, функцияни амалга ошириш спецификаси, шунингдек, ТВнинг рекреатив имкониятларидан шахс ва жамият манфаатларига мувофиқ фойдаланиш стратегиялари ташкил этади.

Тадқиқот усуллари. Диссертация ишининг назарий қисми методологиясининг асосини қиёсий-тарихий ва аналитик усуллар, изчиллик

принципларидан фойдаланиш, таркибий ва функционал таҳлил, назарий ва эмпирик умумлаштириш усуллари ташкил этади.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

глобаллашув даврида аудиториянинг ахборот олиш, узатиш ва “ҳазм қилиш”, рекреатив кўрсатувларнинг телевизион фаолиятда тутган ўрни, уларнинг ихтисослашув, тижорийлашув, хусусийлашув, медиаконвергенция контекстида шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари ҳамда янги телевизион форматлар мамлакатда мустақиллик йилларида ташкил топган миллий телеканаллар тажрибасини хорижий тажрибага қиёслаш орқали аниқланган;

хос дастурлар сони кўпайишининг товарлар ва хизматлар рекламаси, тижорийлашув жараёни билан ўзаро таъсири масалалари ҳамда рекреатив кўрсатувларнинг афзалликларини асослаш орқали, ахборот бозори хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рекреатив кўрсатувларнинг каналлар медиабизнесини юритишда зарурати исботланган;

телекўрсатувларда аудитория билан журналист ўртасидаги ўзаро мулоқот шакллари, улар ўртасидаги диалогнинг тенг ҳуқуқли коммуникация субъекти сифатида намоён бўлиши усуллари, жонли мулоқот имкониятлари, миллий менталитетга таъсири “инфотеймент”, “политеймент”, “инфошоу”, “телешоу”, “реалити шоу” услуби ва жанридаги рекреатив кўрсатувлар контенти орқали очиб берилган;

рекреативликнинг физиологик ва психологик асослари ҳамда имкониятларини аниқлаш орқали кўрсатувлар сифатини яхшилаш, аудиторияни кўпроқ жалб этиш; муайян мавзу, муаммолар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган телевизион дастурий сиёсат, миллий ўзига хосликни тарғиб этиш, эфир контентини бойитиш, журналистик маҳоратни ошириш заруратига оид амалий тавсиялар ишлаб чиқилган;

рекреатив телекўрсатувларга эҳтиёж ортишининг илмий асослари ва ўзбек телевидениесида “алоҳида гуруҳлар маданияти”, “спорт журналистикаси”, “филожурналистика”, “сервис матбуоти”, “аёллар” ва “эркаклар” журналистикаси каби йўналишлардаги рекреатив кўрсатувлар типологияси аудиториянинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, қизиқиши, ахборий эҳтиёжларига кўра аниқланган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари контенти, хусусан, видеороликлар тайёрлашда, уюшма томонидан ОАВ раҳбарлари учун ўтказилган семинар-тренингларда фойдаланилган;

Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston” ва “O`zbekiston tarixi” телеканаллари ижодкорлари айрим кўрсатувлар (“Ойдин ҳаёт LIVE”, “Ассалому Ўзбекистон!”, “Тақдимот”, “Ҳамма учун” каби) сценарийларини шакллантиришда қўлланилган;

“Медиа-маркетинг ва менежмент” (4-жилд), “Аудиовизуал журналистика” (6-жилд) мавзуларида илмий-оммабоп нашрлар яратилган;

АҚШнинг Ўзбекистондаги элчихонаси гранти асосида Ўзбекистон Давлат жаҳон тиллари университети медиа ва коммуникация факультети қошида медиа марказ ташкил этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги рекреацион концепциянинг тизимли таҳлилини таъминлайди ва тадқиқотда белгиланган мақсадлардан фойдаланиш учун зарур бўлган рекреация феноменининг муҳим хусусиятларини ажратиб кўрсатиш имконини беради. Телевидениенинг рекреатив функциясини ўрганиш орқали мазкур йўналишдаги илмий тушунча ва назарий ёндашувларни тизимлаштириш амалга оширилади, жумладан унинг муҳим хусусиятлари, кўп компонентли табиати ва медиа функциялари тизимининг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро таъсирининг моҳиятини очиб беради.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Ишнинг назарий аҳамияти шундан иборатки, тадқиқот якунида рекреатив функциянинг мазмуни ва элементлари, унинг медиа функциялари тизимининг бошқа таркибий қисмлари билан ўзаро таъсири аниқлаштирилди. Рекреатив фаолият назариясининг ривожланиши ва унинг медиа функциялари тизимида тутган ўрни тележурналистиканинг умумий назариясини ривожлантиришга ҳисса қўшади.

Рекреатив функцияни ўрганиш, унинг типик шакллари ва уларни амалга ошириш стратегияларини таҳлил қилиш профессионал журналист кадрлар тайёрлашда ва амалий журналистик фаолият учун фойдали бўлиши мумкин. Диссертация материаллари ва хулосаларидан журналист кадрлар тайёрлаш ва қайта тайёрлаш ўқув жараёнида, танлов фанлар ва махсус курсларни ўқитишда, амалий машғулот, семинар, маҳорат дарслари ва тематик мунозараларда фойдаланиш мумкин. Рекреатив функцияни амалга ошириш бўйича кўриб чиқилган стратегиялар амалиётчи-журналистларга журналистикада рекреативликдан фойдаланишнинг ижодий имкониятларини англашга, рекреацион фаолиятга конструктив ёндашувларни шакллантиришда журналистларнинг иштироки ва ролини тушуниш ҳамда баҳолашга, шунингдек, ОАВнинг ахборот сиёсатини тартибга солишга имкон беради.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Рекреативликнинг замонавий тележурналистиканинг глобал қонунияти тадқиқи бўйича олинган натижалар асосида:

глобаллашув даврида аудиториянинг ахборот олиш, узатиш ва “ҳазм қилиш”, рекреатив кўрсатувларнинг телевизион фаолиятда тутган ўрни, уларнинг ихтисослашув, тижорийлашув, хусусийлашув, медиаконвергенция контекстида шаклланиш ва ривожланиш тенденциялари ҳамда янги телевизион форматлар мамлакатда мустақиллик йилларида ташкил топган миллий телеканаллар тажрибасини хорижий тажрибасига оид хулосалардан Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги буюртмасига асосан, 2019 йилда

IV – Медиамаркетинг ва менежмент, VI – Аудиовизуал журналистика жилдлари яратилди. “Илм, маърифат ва рақамли иқтисодиётни ривожлантириш йили”да амалга оширишга оид давлат дастури тўғрисида”ги ПФ-5953-сон фармони билан тасдиқланган 2020 йил Давлат дастури вазифаларини амалга оширишда фойдаланилган (Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигининг 2022 йил 17 мартдаги 18-1118-сон маълумотномаси). Натижада ахборот соҳасидаги миллий манфаатларни белгиловчи ягона давлат ахборот сиёсатини ишлаб чиқиш механизмларини шакллантириш, аҳолининг медиа саводхонлигини ошириш ҳамда журналистика соҳасида кадрларни тайёрлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларини англаши, республиканинг глобал ахборот маконига сифатли интеграцияси бўйича чора-тадбирларни жорий этиш имконини берган.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрациясининг 2021 йил 4 мартдаги топшириғига асосан ахборот хизматлари раҳбарлари учун ўтказилган махсус ўқув семинарни ўтказишда диссертация натижалари илмий манба бўлиб хизмат қилган; хос дастурлар сони кўпайишининг товарлар ва хизматлар рекламаси, тижорийлашув жараёни билан ўзаро таъсири масалалари ҳамда рекреатив кўрсатувларнинг афзалликларини асослаш орқали, ахборот бозори хусусиятларидан келиб чиққан ҳолда рекреатив кўрсатувларнинг каналлар медиабизнесини юритиш заруратига оид натижалардан “O`zbekiston” ва “O`zbekiston tarixi” телеканаллари ижодкорлари айрим кўрсатувлари (“Ойдин ҳаёт LIVE”, “Ассалому Ўзбекистон!”, “Такдимот”, “Ҳамма учун” каби) сценарийларини шакллантиришда қўлланилган (Ўзбекистон миллий телерадиокомпанияси “O`zbekiston” телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 йил 17 мартдаги 01-06/617-сон маълумотномаси). Натижада, телеканалда миллий маданият ва миллий ўзликни сақлаган ҳолда рекреативликнинг ўзига хос жиҳатларини ўзида жамлаган туркум дастурлар тайёрланган; уларнинг жанрий ранг-баранглиги, томошабинбоплигини яхшилашга эришилган;

телекўрсатувларда аудитория билан журналист ўртасидаги ўзаро мулоқот шакллари, улар ўртасидаги диалогнинг тенг ҳуқуқли коммуникация субъекти сифатида намоён бўлиши усуллари, жонли мулоқот имкониятлари, миллий менталитетга таъсири “инфотеймент”, “политеймент”, “инфошоу”, “телешоу”, “реалити шоу” услуги ва жанридаги рекреатив кўрсатувлар контентига оид хулосалардан “Yoshlar” телерадиоканали дастурларини тайёрлашда, рекреатив мазмундаги кўрсатувларда кенг қўллаш, шу мазмундаги кўрсатувлар контентини бойитиш ва кўрсатувлар сифатини оширишда фойдаланилган (“Yoshlar” телерадиоканали акциядорлик жамиятининг 2022 йил 17 мартдаги 14-01/91-сон маълумотномаси). Натижада телеканалда ёшлар аудиториясига мўлжалланган қизиқарли ва креатив дастурлар тайёрлаш, контентни бойитиш, хорижий телеканалларда қўлланилаётган телевизион форматлар ва жанрларни қўллашга, молиявий мустақилликка эришилган;

рекреативликнинг физиологик ва психологик асослари ҳамда имкониятларини аниқлаш орқали кўрсатувлар сифатини яхшилаш, аудиторияни кўпроқ жалб этиш; муайян мавзу, муаммолар бўйича жамоатчилик фикрини шакллантиришга қаратилган телевизион дастурий сиёсат, миллий ўзига хосликни тарғиб этиш, эфир контентини бойитиш, журналистик маҳоратни ошириш заруратига оид амалий тавсиялардан Ўзбекистон Журналистлари уюшмасининг ижтимоий тармоқлардаги саҳифалари контенти, хусусан, видеороликлар тайёрлашда, уюшма томонидан ОАВ раҳбарлари учун ўтказилган семинар-тренингларда фойдаланилган (Ўзбекистон Журналистлар ижодий уюшмасининг 2022 йил 18 мартдаги 01-18/159-сон маълумотномаси). Натижада журналист ва блогерлар учун маҳаллий ва хорижий ахборотларни бериб бориш, аудиториянинг билим даражасини оширувчи назарий-методологик ахборотларга урғу бериш, креатив ёндашув асосида контентни бойитиш ва самарадорликка эришиш имконини берган;

рекреатив телекўрсатувларга эҳтиёж ортишининг илмий асослари ва ўзбек телевидениесида “алоҳида гуруҳлар маданияти”, “спорт журналистикаси”, “филолжурналистика”, “сервис матбуоти”, “аёллар” ва “эркаклар” журналистикаси каби йўналишлардаги рекреатив кўрсатувлар типологияси аудиториянинг ёши, жинси, ижтимоий мавқеи, қизиқиши, ахборий эҳтиёжларига оид хулосалардан “Маҳалла” телерадиоканали фаолиятини кенгайтиришда, шу билан бирга, шу мазмундаги кўрсатувлар контентини янада бойитиш ва кўрсатувлар сифатини оширишда унумли фойдаланилган (“Mahalla телерадиоканали давлат муассасасининг 2022 уй 17 мартдаги 01-15-181-сон маълумотномаси). Натижада рекреатив мазмундаги кўрсатувлар контенти янада бойиган, кўрсатувлар сифати ошди ва канал мамлакат телеканаллари рейтингда юқорилаган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Тадқиқотнинг асосий тамойиллари ва натижалари 40 дан ортиқ илмий-амалий анжуман ва семинарларда, жумладан, 7 та халқаро ва 33 та республика илмий-амалий анжуманлари ва семинарларида маъруза кўринишида баён этилган ҳамда апробациядан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 52 та илмий иш чоп этилган, шулардан 1 та монография, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертацияларининг асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия қилинган илмий нашрларда 11 та мақола, жумладан 9 та республика ва 2 таси хорижий журналларда нашр қилинган. Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги буюртмасига VI – Аудиовизуал журналистика жилди яратилди.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, бешта боб, хулоса ҳамда фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат бўлиб, асосий матн 220 бетни ташкил қилади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Киришда тадқиқот мавзусининг долзарблиги ва зарурати асослаб берилган, унинг республика фан ва технологиялар ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, муаммонинг ўрганилганлик даражаси ёритилган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объекти ва предмети белгиланган. Ишнинг илмий янгилиги, олинган натижаларнинг ишончлилиги, илмий-амалий аҳамияти асослаб берилган, тадқиқот натижаларининг амлиётга жорий этилганлиги, нашр этилган ишлар, диссертациянинг тузилиши ҳамда ҳажми бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Рекреатив журналистиканинг илмий-амалий асосларининг эволюцияси”** деб номланган биринчи бобида рекреатив журналистиканинг тизим ва йўналиш сифатидаги хусусиятлари, рекреатив журналистика типологияси (ёки унинг тип ва йўналишлари), жаҳон ва Ўзбекистон журналистикасида кузатилаётган дам олиш дастурлари тараққиёти ўзига хос шаклларда намоён бўлиши ўрганилган.

Замонавий телевидениеда рекреатив журналистиканинг мавқеи ошиб, глобал қонуният касб этмоқда. Биринчи бобнинг биринчи бўлимида **“Рекреатив журналистика табиати ва тизими”** ўрганилган. Тенденция тусини олган дастлабки ҳолат рекреатив журналистиканинг тип ва йўналишларга бўлинишидир. Ҳозирда миллий ва халқаро тажрибада ток-шоу, реалити-шоу, шоу, телеўйин, мусиқий кўрсатувлар (музыкальная журналистика), киножурналистика, ҳажвий журналистика, спорт журналистикаси, иктисодий-реклама каналлари, қизиқишлар (мода, дизайн ва бошқа)га оид чиқишлар юзага келяпти.

Рекреатив журналистика билан боғлиқ бўлган яна бир жиҳат, таҳририятлар фаолиятида ҳам ўзгаришлар кузатилиб, оммавий ахборот воситаларидаги чиқишлар тубдан янгиланмоқда. Мисол учун, рекреативликнинг энг оммабоп йўналишлари саналган шоу, спорт, мусиқа, киножурналистикага ихтисослашган таҳририятлар деярли ҳар бир каналда мавжуд. Бундай таҳририятлар турли номларда - **“Кинокўрсатувлар”** студияси, **“Мусиқий кўрсатувлар таҳририяти”**, **“Мусиқа”** студияси, **“Спорт”** студияси каби кўринишда юритиляпти.

Дам олиш кўрсатувларининг тип ва йўналишларга бўлиниши, медиалар тизимида ўзгаришлар яшаш асносида, ихтисослашган рекреатив телеканаллар пайдо бўлишига олиб келди. Мисол учун, **“НТВ плюс”** телекомпанияси Россияда катта куч ва рақамли технологияларга эга бўлган тузилма ҳисобланади. Компания тизимида фаолият олиб борувчи каналлар орқали томошабинлар ўзлари истаган ва ўзлари қизиққан соҳа бўйича янгиликларни олиш имконига эгалар. Томошабин нимани истаса, телекомпания ана шу мавзуда ўз каналини унга тақдим этади: спорт, кино, табиат, юлдузлар ҳаёти, мусиқа ва бошқа мавзуларда.

Бобнинг **“Рекреатив журналистиканинг типологик йўналишлари”** деб номланган иккинчи бўлимида рекреатив журналистиканинг тип ва йўналишлари ўрганилган. Замонавий ахборот-коммуникация

технологияларининг жадал ривож телевидениенинг ижодий имкониятларини кенгайтди, ифода воситалари таъсирчанлигини оширди. Телевизион дастурларнинг тематик-ғоявий йўналишида, кўрсатувларнинг мазмун ва мундарижасида янги даврга хос ўзгаришлар содир бўлди. Янги жанрлар юзага чиқди. Жаҳон журналистикасидаги ўзгаришлар, жумладан интерактив кўрсатувларнинг ривожланиши, жонли эфирнинг юзага келиши ўзбек журналистикасида ҳам кузатила бошлади. Табиийки, тараққиётнинг бундай шиддати ОАВ, хусусан, кучли таъсир ва кенг аудиторияга эга бўлган ТВ зиммасига масъулиятли вазифаларни қўймоқда.

Бугунги давр телевидениедан, тележурналистикадан, журналистлардан мутлақо янгича ишлашни тақозо этмоқда. Кенг маънодаги дам олиш кўрсатувлари шундай зарурият ва эҳтиёж асосида оммалаша бошлади. Телевидениенинг рекреатив вазифаси ана шу тўлқинда, қайд этилган эҳтиёжлар силсиласида вужудга келди, шаклланди ва ривожланди. Натижада экран қаршисидаги томошабин тафаккурида ҳам фавқуллода, кутилмаган ўзгаришлар содир бўлди. Унинг ахборот олиш истаги билан бирга, дам олишга бўлган эҳтиёжи ҳам ошди. Телевизион журналистика назариясида қайд этилган вазифалар орасида рекреативлик алоҳида ўринни эгаллайди. Соҳага оид илмий адабиётларда телевизион журналистиканинг рекреатив вазифаси алоҳида саналади, аҳолининг дам олишга, ижтимоий ҳаётга ижобий таъсир этиши одамлардаги ҳар хил стресс ҳолатларни пасайтиришга хизмат қилиши ҳақида сўз боради.¹¹

Аудитория дам олиш, кўнгили очиш учун театрга тушиши, кинога бориши, хиёбонда сайр этиши, кафе ёки ресторанда оилавий таом тановул қилиши ҳам мумкин. Аммо, ушбу соҳадаги қонуният шундан иборатки, аҳоли ўзи учун энг қулай усул ва воситани танлайди. Шунини айтиш ўринлики, кейинги пайтда медиалар аудитория учун шундай муҳим дам олиш воситасига айланди. Уларнинг талаб ва эҳтиёжлари амалиётда рекреатив теледастурларнинг кўпайишига олиб келди. Шундай қилиб, ОАВ дам олишнинг, ҳар хил стрессларни йўқотишнинг энг арзон, қулай воситаси сифатида даъвогарлик қила бошлади. Дунё миқёсида рекреатив журналистика жадал суръатда ривожлана бошлади. Дастлаб матбуотда рекреатив журналистиканинг йўналиш ва типологияси юзага келган бўлса, бу жараён замонавий телевидениеге кўчди. Ҳозирда телевидениенинг қуйидаги тип ва йўналишлари ҳам юзага келди:

- ток-шоулар;
- реалити-шоулар;
- шоулар;
- телеўйинлар;
- мусикий кўрсатувлар (музыкальная журналистика);
- киножурналистика;
- ҳажвий журналистика;

¹¹Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я. Телевизионная журналистика. Изд-во МГУ, 4-е изд. – М.: 2002. – С.52.

- спорт журналистикаси;
 - иқтисодий-реклама каналлари;
 - қизиқишлар (мода, дизайн) ва бошқа. Телевидениега формат тушунчасининг кириб келиши ҳам юқоридаги барча жиҳатлар – мазмун, шакл ва контент билан бевосита боғлиқ. Шунга кўра, чет элда турли форматдаги телеканаллар пайдо бўлди:

1-жадвал

Хориждаги янги форматдаги телеканаллар

Формат	Телеканаллар	Юқори рейтингли дастурлар жанрлари
Кўнгилочар телевидение	Биринчи канал, Россия, СТС, Домашний, ТНТ	Сериаллар, бадиий фильмлар, кўнгилочар кўрсатувлар
Маърифий телевидение	Animal Planets, Discovery, National Geographic	Ҳужжатли фильмлар
Таҳлилий ва янгиликлар телевидениеси	РБК, НТВ, Euronews	Информацион-таҳлилий дастурлар, янгиликлар
Болалар телевидениеси	Cartoon Network, Jetix, Nickelodion	Мультфильмлар
Муסיқий телевидение	Муз-ТВ, Муסיқаз	Клиплар, мультфильмлар
Спорт телевидениеси	Спорт, Боец	Спорт дастурлари, спорт янгиликлари

2-жадвал

Ўзбекистондаги янги форматдаги телеканаллар

Формат	Телеканаллар	Юқори рейтингли дастурлар жанрлари
Кўнгилочар телевидение	Zo`r TV”, Milliy, Sevimli, MY5, “Кинотеатр”	Сериаллар, бадиий фильмлар, кўнгилочар кўрсатувлар
Маърифий телевидение	“Дунё бўйлаб”, “Маҳалла”, “Маданият ва маърифат”	Ҳужжатли фильмлар ва маърифий кўрсатувлар
Таҳлилий ва янгиликлар телевидениеси	O`zbekiston 24, Uzreport TV	Информацион-таҳлилий дастурлар, янгиликлар
Болалар телевидениеси	Болажон	Ихтисослашган кўрсатувлар ва мультфильмлар
Муסיқий телевидение	Наво	Клиплар, муסיқий кўрсатув ва шоулар
Спорт телевидениеси	Спорт, Футбол ТВ	Спорт дастурлари, спорт янгиликлари

Юқорида келтирилган типдаги кўнгилочар телекўрсатувлар аудиториянинг дам олишга бўлган эҳтиёжини қондиришида намоён бўлмоқда. Шунга кўра, рекреатив журналистикада муҳим аҳамият касб этаётган *биринчи омил*, унинг тип ва йўналишларга бўлиниши, рекреатив журналистика типологиясининг юзага келишидир. Мазкур ҳолат, кейинги *иккинчи омил* таҳририятлар фаолиятида туб ўзгаришлар кузатилаётгани, ОАВ тизими тубдан янгиланаётгани билан боғлиқ. Замон талабларидан келиб чиқиб, янгича номда таҳририят ва студиялар юзага келди. 20-30 йил илгари ток-шоулар билан боғлиқ бўлган студиялар йўқ эди. Таҳририят негизида алоҳида мусиқа, спорт, кино ёки бирор кўнгилочар-рекреатив форматдаги каналларнинг пайдо бўлишини эътибор қаратиш лозим бўлган навбатдаги *учинчи омил* дейиш мумкин. Ниҳоят, рекреативлик замонавий журналистиканинг глобал қонуниятига айланиб борар экан, унинг алоҳида фан, соҳа сифатида ўрганилаётгани ва бўлажак кадрларга ўргатилаётгани *тўртинчи (энг муҳим) омил* саналади.

Диссертациянинг **“Тележурналистикадаги янгиланиш тенденциялари ва рекреатив кўрсатувлар”** деб номланган иккинчи бобида рекреативликнинг ОАВ орқали тарқалиш тенденциялари, Ўзбекистонда телевизион журналистиканинг асосий йўналишлари, замонавий тележурналистикада рекреативликнинг тутган ўрни ва аҳамияти таҳлил қилинган.

Бобнинг “ОАВда рекреативлик: глобал қонуният ва тенденциялар” деб номланган биринчи бўлимида рекреативликнинг ОАВ орқали тарқалиш тенденциялари ўрганилган. Журналистика назариясининг асосий қонуниятлари ва тизимидан келиб чиқилса, маълум бўладики, ҳозирги кунга қадар мутахассислар томонидан телевидениенинг анъанавий функциялари сифатида ахборот тарқатиш, маданий-маънавий, интегратив, ижтимоий-педагогик, ташкилотчилик, таълимий, рекреатив ва бошқалар кўрсатиб келинган.¹²

Медиа функциялари орасида рекреативлик алоҳида саналган бўлса-да, яқин вақтларгача ҳам “рекреация” тушунчаси амалда кенг тарқалмаган эди. Атама физиологик, тиббий, ижтимоий-иқтисодий, архитектура, қурилиш ва бошқа дам олишни ташкил этишнинг муаммолари билан шуғулланувчи, сайёҳлик, соғлом турмуш тарзи ва саломатликка бағишланган, дам олиш, кўнгил очиш, релаксация, шунингдек, инсоннинг ҳаётий физиологик кучларини тиклаш ва янгиланишига доир адабиётларда тор доирадаги мутахассислар томонидангина ишлатилган. Илмий адабиётларда “рекреация” атамаси XIX асрнинг 90-йиллари охирида АҚШда стандарт иш кунлари жорий этилиб, ёзги таътил пайдо бўлган бир даврда қўлланила бошлаган. Хорижий, жумладан рус илмий адабиётларида рекреация ижтимоий ҳодиса сифатида XX асрнинг 60-йилларида илмий тадқиқотлар мавзусига айланди.

¹²Кузнецов Г.В., Цвик В.Л., Юровский А.Я. Телевизионная журналистика. 4-е изд. М.: Изд-во МГУ, 2004 – С.36-52.

Рекреалогия ўз ичига турли илмий йўналиш ва фанлар – социология, иктисодиёт, ижтимоий психология, маданиятшунослик, жисмоний маданият назарияси, курортшунослик, туризм, география ва бошқа қизиқишларни қамраб олади. Тегишли фанлардан билимларни жалб қилиш рекреация феноменининг яхлит назариясини яратишни қийинлаштиради, баъзида унинг моҳиятини ўзбошимчалик билан талқин қилиш, тушунча ва атамаларни синоним тарзида ишлатиш ва ягона категория аппарати йўқлигига олиб келади. Хориж олимлари мазкур мавзудаги илмий тадқиқотларда ўзаро ҳамфикр эмас. Ҳозирга қадар фанда рекреация тушунчасига ягона, кенг камровли, тизимли ва яхлит таъриф берилмаган.

Дастлаб “рекреация” сўзининг семантик таркибига аниқлик киритамиз. У лотин тилидаги “recreation” - “янгилаш”, “тиклаш” феълларидан келиб чиққан. Поляк тилидан таржима қилинганда, “rekreacja” – дам олиш маъносини англатади. В. Даль изоҳли луғатида мазкур атама “ўқиш ёки хизматдан дам олиш, таътилар, байрамлар” деб таърифланади¹³. Айнан шу маънода “рекреация” сўзи ишлатилиб келинган

Инглиз тилида RECREATION сўзи бир нечта маънога эга: 1) сарфланган кучни тиклаш, тетиклаштириш жараёни; 2) кўнгил очиш, дам олиш, ҳордиқ чиқариш маъносида; 3) ўқувчилар, талабаларга дарслар орасида бериладиган танаффус; 4) дам олиш маскани, дам олиш учун майдонча. Лотин ва инглиз тилларида “recreation” сўзи икки қисмдан иборат, шунинг учун ҳар бир қисмининг маъноси алоҳида кўриб чиқилиши керак: RE “яна, яна бир марта,, орқага, тескари” деган маънони англатади; CREATION - 1) яратиш, ҳосил қилиш, бунёд этиш; 2) коинот; 3) асар (фан, санъат соҳасида). Инглиз тилидаги CREATIVE сўзи “ижодкорлик” деган маънони англатади. Гуманизм психологиясининг асосчиси А.Г. Маслоу “ижодкорлик” шахснинг психологик саломатлигининг синоними, бизнинг генетик меросимизнинг бир қисми деб ҳисоблаган. Аммо, олим яна бир жиҳатни ҳам таъкидлайдики, инсондаги иждоқорлик қирралари кўп ҳолларда ишлатилмай қолиб кетади, ундан тўлиқ ва мақсадли фойдаланилмайди ёки у умуман инкор қилинади.¹⁴

Ҳатто “рекреация” сўзининг келиб чиқиши ва маъносига бўлган ҳавола унинг семантикасида конструктив, иждодий, юксалтирувчи гуманистик маъно борлигини англатади ва бу тадқиқотимиз доирасида жуда ҳам муҳимдир. Тадқиқот натижасида аниқланадиган лексик таркибга суяниш “рекреация” атамасининг концептуал чегараларини аниқлашга имкон беради.

Юқорида айтиб ўтилганидек, илмий адабиётларда “рекреация” атамаси кўп таърифларга эга. И. Зорин ва В. Квартальновнинг фикрига кўра, рекреация – жисмоний, интеллектуал ва эмоционал кучларнинг кенг кўламдаги ифодаси; жисмоний ва ақлий кучларни тиклаш учун ишлатиладиган ҳар қандай ўйин, кўнгилочар усул, дилёзар омил ва бошқалар назарда тутилади¹⁵. Ж. Келлининг сўзларига кўра, рекреация ҳамиша рухий

¹³<http://gufo.me>, Толковый словарь Даля, 06.05.2020, 02.07.

¹⁴ Маслоу А.Г. Дальние пределы человеческой психики / А.Г. Маслоу. СПб.: Евразия, 1999. – С.91.

¹⁵ Зорин И. В., Квартальное В. А. Энциклопедия туризма: Справочник. – М.: Финансы и статистика, 2003. – С.137.

ва жисмоний кучларнинг тикланиши билан боғлиқ, яъни бирор-бир фаолиятни бошлашдан аввал албатта дам олиш зарур¹⁶.

Гарчи баъзи тадқиқотчилар рекреацияни иш пайтида сарфланган кучларни тиклаш жараёни деб қарашга мойил бўлсалар-да, биз бундай ёндашувни масалага нисбатан тор доирада қараш деган фикрдамиз. Инсонда нафақат ўзининг сарфланган меҳнат кучини тиклаши, балки муайян ишнинг, юкнинг кейинги қисмини бажариш, меҳнат унумдорлиги ҳамда самарадорлигини ошириш учун, янада юқори марра ва мақсадлар учун курашиш, шахсий салоҳият ва сифатларни ривожлантириш, ўзини ҳар томонлама эркин, бемалол ва қулай ҳис қилиш, ён-атрофдагилар, муҳит ва дунё билан уйғун ҳолатда бўлиш учун ҳам рекреацияга эҳтиёж сезилади. Бекаму-кўст яшаш учун инсон сарфланган меҳнат кучларини ўз вақтида тиклаб юриши керак. “Рекреация” атамасининг семантик таркиби дастлаб муайян ижтимоий мақбул мақсадлар – ижодий мазмун, моҳият ва маънони, ижодкорлик ва шахсий ривожланиш элементларини ҳам англашиши бежиз эмас. Мутахассисларнинг фикрига кўра, “рекреация” шахсни ўзига хос хусусиятларга бойитилган фаолиятга жалб қилишни ўз ичига олади”¹⁷. Тўғри ташкил этилган рекреацион фаолият деярли ҳар доим ақл, ижодий ихтиро, зукколик, зийраклик, топқирликни талаб қилади, чунки том маънодаги рекреация одатдаги шарт-шароитдан, маълум психологик фарқ, устуворликни талаб қилади.

Диссертациянинг иккинчи боб иккинчи бўлими “Замонавий тележурналистикада рекреативликнинг тутган ўрни ва аҳамияти” деб номланади. Рекреация нормал ҳаётнинг зарурий шarti бўлиб, кучли босим ва стрессларни йўқотиш, сарфланган кучларни қайта тиклаш ва инсон шахсиятининг ҳар томонлама ривожланиши учун хизмат қилади. Рекреациянинг бугунги кундаги муҳим роли ва аҳамияти ошиб бораётганининг асосий сабабларидан бири – ҳаётнинг тобора мураккаб ва стрессли шароитлар билан юзма-юз келаётганидир, чунки бу дам олишга бўлган эҳтиёжни кескин орттириб юборди. Шунинг учун ҳам дунёдаги етакчи ва илғор замонавий ОАВ рекреацияга энг самарали ва талаб юқори бўлган усул сифатида қарамоқда.

Биринчидан, юқори технологиялар турли хил эҳтиёжларни, шу жумладан рекреацион заруратларни қондира оладиган маънавий ишлаб чиқаришни оммалашшига имкон берди. Медиалар аслида, оммавий маданият маҳсулотларини ташувчи ва трансляция қилувчи восита бўлиб, оммавий аудиториянинг рекреацион эҳтиёжларини қондириш ва томошабин манфаатдор бўлган контентга қизиқиш билдирмоқда.

Иккинчидан, мутахассисларнинг фикрига кўра, рекреацион функцияларни амалга ошириш реклама бозорининг ҳаракатлантирувчи кучи

¹⁶ Kelly J.R. Leisure and sport a sociological approach // Hand-book of social sciences of sport. Champagn Striples publ.comp. 1981.- P.37.

¹⁷ Культурно-досуговая деятельность. Учебник. Под ред. А.Д.Жаркова и В.М.Чижикова. – М.:МГУК, 1998. – С. 434.

бўлиб, ҳозирги бозор иқтисодиёти шароитида уларнинг тижорий мақсадга мувофиқлигини асослайди.

Учинчидан, медиа воситалари орқали дам олиш истагининг ўсиб бораётганлигини ўрганиш медианинг қулайлиги, давр билан ҳамнафаслиги ва дам олишнинг бошқа реал усуллари (маданий тадбирлар: кино, театр, кўргазма ва бошқаларда иштирок этиш, спорт билан шуғулланиш, саёҳатга чиқиш ва ҳ.к.) нархининг юқорилиги сабабли ҳам кўриб чиқилиши мумкин. Бу замонавий ОАВнинг миллионлаб одамлар учун дам олиш шакли ва мазмунини белгилаши билан изоҳланади.

Рекреацияга турли аспектлардан ёндашиш мумкин. Мисол учун, географик аспектда “рекреология” – меҳнат жараёнида сарфланган инсон куч-қувватини қайта тиклашга қаратилган фан ҳисобланади. Рекреацион йўналиш 60-йилларнинг охири – 70-йилларнинг бошида география фанларининг сайёҳлик ва дам олишни ўз ичига олган тармоғи сифатида пайдо бўлди. Рекреация кўп маънони англатувчи сўз бўлиб, ўрганилаётган соҳа, контекстга боғлиқ. Биринчидан, инсон кучларини кенг маънода ишлаб чиқариш (жисмоний, ақлий ва эмоционал), иккинчидан ақлий ва жисмоний қувватни қайта тиклайдиган турли ўйинлар, дам олиш тадбирлари орқали рекреацион фаолият намоён бўлади¹⁸.

Географик (туризм) аспектда рекреация бир нечта шаклда намоён бўлади: даволаниш, соғломлаштириш, спорт билан шуғулланиш (спортивная рекреология), билим олиш¹⁹. Масалага психологик нуқтаи назардан ёндашилса, **даволаниш** рекреациянинг бош омили бўлиб, индивид шифо масканларида ўз саломатлигини тиклаш орқали руҳий далда олади, соғлом ҳаётга қайтади ва бу билан ўз бахтиёрлигини ҳис этади. Шахснинг ўз саломатлигини мўътадил ушлаб туришга ҳисса қўшувчи кейинги омил **соғломлаштириш** ҳисобланади. 70-80 фоиз сайёҳ ҳордиқ чиқаришнинг энг оммабоп тури сифатида денгиз бўйларида дам олиш, чўмилиш, қуёшда ванна қабул қилиш, сайр ва бошқаларни танлашади. Бу бизда соғлом турмуш тарзи кўринишида намоён бўлади. Рекреациянинг кейинги кўриниши **спорт билан шуғулланиш**. Бу ўз ичига узоқ сафарга чиқиш, балиқ ови, овчиликнинг бошқа турлари, археологик туризм, чўққиларни забт этиш, сув остига саёҳат кабиларни камраб олади. Ва ниҳоят, рекреациянинг сўнгги кўриниши ривожланиш прогнозлари ҳамда дунёқарашни кенгайтириш билан боғлиқ бўлган янги ахборотларни олиш, саёҳат объектлари ҳақидаги маълумотлардан хабардор бўлиш – **билим олиш** ҳисобланади. Рекреацияни амалда татбиқ этиш шакллари шахс ва жамият, вақт, маданият тури каби бошқа омил ва шароитлар даражасига қараб жуда ўзгарувчан бўлади.

Диссертациянинг иккинчи боб учинчи бўлими “Ўзбекистонда рекреатив журналистиканинг асосий йўналишлари” деб номланган бўлиб, телевизион журналистика функциялари орасида уч – янгиликлар, маънавий-маърифий ва кўнгилочар йўналиш алоҳида касб эта бошлагани кўриб чиқилган. Аммо, бу

¹⁸ЕлисееваА.А. История развития рекреации как составляющей социального туризма и ее влияние на физическое воспитание человека, <http://studopedia.org/7-4529.html>, 25.04.2016.

¹⁹Виды рекреации,http://studopedia.ru/3_22999_vidi-rekreatsii.html, 25.04.2016.

Ғарб ва Шарқда турлича нисбатда намоён бўлади. Ғарб журналистикасида материалларнинг тахминан тенг ярмини кўнгилочар йўналиш эгаллаган (50%), янгиликлар – 30%, маънавий-маърифий – 20% улушни ташкил этган. Шарқда эса, хусусан Ўзбекистонда ҳам ижодий ишларнинг 40 фоизини кўнгилочар йўналиш қамраб олгани, бошқалари эса тенг улушларда намоён бўлиши таҳлил этилган.

Ишнинг учинчи боби **“Рекреатив кўрсатувлар проблематикаси кенгайишининг тенденциялари”** деб номланган. Мазкур бобнинг биринчи бўлимида “Маданият ва маърифат мавзуидаги кўрсатувларда рекреативлик” ўрганилган.

Мамлакатимиз мустақиллигининг дастлабки йилларидан бошлаб, ўзликни англаш, миллий урф-одат, анъана ва қадриятларга бўлган эътибор ошди. Бу эътироф босма ва электрон ОАВда ҳам ўз аксини топди. Ўтган йиллар давомида маданий-маънавий вазифани ўзида ифодалаган лойиҳаларга теледастурлардан кенг ўрин ажратилди. Таълим-тарбия масалаларига бағишланган, ёш авлодни миллий истиқлол ғояларига садоқат руҳида тарбиялашга ёрдам берадиган дастурлар сони ортди. Аудиовизуал журналистиканинг ёш авлод тарбиясига, миллий ва умуминсоний ахлоқнинг шаклланишига таъсир кучи инобатга олиниб, шу йўналишдаги “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Бир ўлка-ки”, “Одамлардан бири”, “Яхшилик”, “Минг бир ривоят”, “Денгиздан томчи”, “Меҳр кўзда” сингари лойиҳалар намоёишига эътибор кучайтирилди. Булар қаторида янги номдаги кўрсатувлар пайдо бўлди. Мустақилликка қадар миллий тарбия ва маънавият мавзусига бағишланган чиқишлар жуда оз эди. Аммо, улар орасида “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи” лойиҳаси тезда омма эътиборини қозонди.

Мустақилликнинг дастлабки йилларида маданият ва маърифат мавзуидаги бағишланган чиқишлар бирмунча кўпайган бўлса-да, асосий эътибор, инсон маънавиятини бойитишга хизмат қилувчи унсурларга эмас, инсон маънавияти таҳлилига, илмий нуқтаи назардан “маънавият” сўзининг маъносига, кенг ҳажмдаги муҳокамаларга берилиб кетилди. Томошабин эса бундан маълум маънода безди. Бу мавзудаги кўрсатувлар нафақат телеэкранда кўпайди, балки матбуотда ҳам, радиода ҳам узлуксиз ёритилди. Бундай вазиятда томошабин талаб ва эҳтиёжига асосан кўрсатув тайёрланиши лозим, яъни журналистлар креативлиги алоҳида аҳамият касб этиши табиий бўлди. Бу ижодкорликнинг натижаси сифатида жаҳон телевидениеларида интеллектуал ўйинлар оммалашди.

Телевидениенинг тарбиявий функцияси – ўзбекона ахлоқ тамойиллари, шарқона тарбия ва миллий менталитет асосида концептуал мақсад қўйилган асарларда ўз аксини топади. Бошловчи либоси, студия дизайни ҳамда декорацияси, чиқиш муқаддимаси ва хотимаси, шарқона баҳс ва тортишувлар Ғарб телеканалларининг рекреатив функциясини бажараётган, бетайин мавзулар асосига қурилган тоши енгил кўрсатувлари сингари шартакилик, андишасизлик ва шу каби инсон қалби ҳамда онгига “шиддат” билан кириб борадиган, натижада асаббузарликларга олиб келадиган

кўринишда тақдим этилиши ҳеч қандай меъёрларга мос келмаслиги жамоатчилик томонидан телевизион чиқишларда эътироф қилинмоқда ва ҳ.к.

Бундан қуйидаги жиддий хулоса чиқариш мумкин – телевидениенинг “рекреатив вазифаси” деганда, миллий каналларда эфирга чиққан кўрсатувлар кўпроқ “рекреатив-тарбиявий” хусусиятни ифода этаётир. Буни кўпгина кўрсатувларда кузатиш мумкин, масалан, “Маҳалла” каналида эфирга узатилаётган “Одамийлик” ток-шоусида.

Шундай лойиҳалардан яна бири “Бир асар тарихи” кўрсатуви бўлиб, шум боланинг эски шаҳарнинг тор кўчаларидан югуриб келишида инсон руҳиятига тез таъсир этувчи **интеллектуал монтаж** туридан фойдаланилган. Яъни, кўрсатув динамикасига асосланиб экрандаги тасвирларни оқ-қора планлар билан ажратиб кўрсатиш, видеотека ёки архивда сақланаётган ҳар хил техник нуқсонли кадрлардан атайлаб фойдаланиш, кадрларни экранда секинлаштириб бериш, унчалик ёрқин бўлмаган кадр ёки рангларни янада бўрттириб кўрсатилиши томошабинни фикрлашга ундайди ва шу орқали унинг туйғулари ва интеллектга таъсир этилади. Телевизион **қиёсий монтаж** деб аталувчи бошқа бир турда деталлар ёрдамида икки давр ўзаро таққосланади. Фрагментлари бир-бирига ўхшаш, айни пайтда турли жойларда содир бўлган воқеаларни параллел тарзда қўйиш **параллел монтаж** ишлатилади. Қайд этиш керакки, қаҳрамонлар ва кўринишларнинг ўзаро алоқадорлиги, ўзаро таққослаш ва ўзаро бир-бирига зид қўйишда мазкур монтаж тури қўлланилади. Воқеа-ҳодисани таҳлил қилиш учун оқибатдан сабабнинг фарқини, натижадан олдинги даврни кўрсатиш маданият, маърифат, маънавият мавзусидаги чиқишларда ҳам ўзининг ижобий самараларини беради.

Маданий-маърифий чиқишларда рекреативликнинг намоён бўлиши бир нечта омилга боғлиқ. Истиклолнинг дастлабки йилларида бу йўналишдаги чиқишларда бир хил қолип ва услублардан фойдаланиш урфга кирди. Шунинг учун ҳам баъзи ёшларда маънавият, таълим-тарбия мавзусидаги кўрсатувларга нисбатан пессимистик қараш юзага келди. Бу мавзулардаги телеасарларда ноанъанавийлик муҳим аҳамият касб этади. Одатдаги чиқишлар аудиторияни бездиради. Босма ОАВ табиати билан улғайган, электрон ОАВ табиати жумладан, ТВ амалиёти ва илми бўйича ҳеч қандай билим, кўникмага эга бўлмаган, жаҳон тажрибасидан беҳабар ижодкорлар кўрсатув тайёрлашга киришиши кузатилди. Экран маъруза ўқиладиган жой эмас, тасвир ва матн уйғунлигини яхлит намоён этадиган ОАВ тури ва шунинг учун ҳам кейинги муҳим омил – тасвир кучи ҳамда телевизион монтажга эътибор қаратишдир. Ток-шоу, дебат, телекўприк сингари интерактив лойиҳаларда тасвирий жозибадорликни, мазмунан ноанъанавийликни юқори нуқтага кўтариш, маданий-маърифий, маънавиятга оид чиқишлар тарғиботини ижтимоий тармоқлар орқали йўлга қўйиш ўзининг ижобий самарасини беради.

Учинчи бобнинг кейинги бўлими “Политейнмент” ёки “сиёсий театр” – телевизион журналистика таркибида” деб номланади. Ижтимоий-сиёсий трансляция замонавий медиа тизимининг муҳим мавзуси бўлиб қолмоқда.

Ҳатто Россия ва МДХ мамлакатлари телеканалларининг асосий вақти, Ғарбнинг тижорат телеканалларидан фарқли ўлароқ, ижтимоий-сиёсий лойиҳалар ҳисобга олингани ҳолда дастурлаштирилади. Янгиликлар ва сиёсий дастурлар рейтинги телетомошабин талабларини тасдиқлайди. Мисол учун, замонавий телевизион эфир фавқулодда ўта сиёсийлашгани ҳақида россиялик олима Ю.И.Долгова шундай дейди: “2018 йилнинг баҳорида сиёсий мавзу “Биринчи канал” эфирида прайм-таймдан олдин ва прайм-тайм вақтининг 48 фоиз, “Россия 1” каналида 60 фоизини банд этган.

Масаланинг яна бир жиҳатига эътибор қаратиш жоиз: ижтимоий-сиёсий сегментни тижоратлаштириш масаласи ва унинг оқибатлари. Ғарбда сиёсий мавзуларни, ҳолислик принципларидан чекинмаган ҳолда, сенсацион шаклда тақдим этиш ва шу орқали воқеа-ҳодисаларни қизиқарли услубда жамоатчиликка етказиш оммалашмоқда. Ушбу тенденция Ғарбона танқиднинг мантиқий давоми бўлиб, тижорат ижтимоий-сиёсий сегментга муайян маънода салбий таъсир қилади. Собиқ иттифоқ даврида мазкур аспектда муаммолар кўп бўлиб, ижтимоий-сиёсий трансляция жиддий тематик шаклда узатилган. Бу жараён мустақилликдан сўнг Ўзбекистонда ҳам салкам 25 йил давом этди. 2016 йилдан бошлаб медиага муносабат ўзгаргач, ижтимоий-сиёсий мавзудаги материаллар бирмунча кўпайди. Аммо, ижтимоий-сиёсий мавзунинг тузилиши ва ишлашига оид бўлган илмий тадқиқотлар деярли йўқ. Ушбу йўналиш жуда катта амалий ва назарий аҳамиятга эга бўлиб, ҳар қандай мамлакатда сиёсий соҳада янги коммуникацион ечимларни ишлаб чиқиш ва мамлакатни демократлаштиришга имкон беради.

Ўтган асрнинг 80-йилларида сиёсатчилар ток-шоулар орқали одамлар билан алоқада бўлиш мумкинлигини алоҳида таъкидладилар. Бу жуда муҳим хулоса ва тавсия эди, чунки оммани жалб этишнинг анча арзон ва қулай усули бўлиб чиқди. Натижада дунё ахборот майдонида тубдан ўзгариш ва янгиланиш юз берди. Мазкур маданий телеинқилобнинг мазмуни нимадан иборат эди?

Принципиал аҳамиятга эга бўлган янгилик шундан иборат бўлдики, ток-шоу сиёсий коммуникациялар таркибида энг муҳим жой вазифасини ўтай бошлади. Кўрсатув орқали тарғибот-ташвиқот олиб бориш, реклама қилиш имкониятлари яққол кўзга ташланди. Сайлов жараёнларида ток-шоулардан фойдаланиш йўлга қўйилди. Бу юзма-юз учрашувлар маҳаллий ва миллий ток-шоуларда ўз аксини топди. Шу тариха экранларда пайдо бўлган янги жанр томошабинларни тез жалб эта бошлади. Бу жанрдаги кўрсатувларда бошловчилар алоҳида аҳамият касб этгани боис, улар Америкада “энг таниқли ва нисбатан кўп ҳақ оладиган касб эгалари”²⁰га айланишди.

ОАВ томошабинларнинг фикри, дунёқараши ва нуқтаи назарига таъсир қилишдан ташқари, ньюсмейкерлар медиаларнинг замонавий тамойиллари ва медиа-демократия шароитларига амал қилиш зарурлигини ҳам таъкидлашмоқда. Улар “Муваффақиятли сиёсатчи аслида амалдор эмас,

²⁰Цвик В.Л. Телевизионная журналистика: история, теория, практика, М.: Аспект Пресс, 2002.

балки кўнгилочар соҳани яхши тушунадиган юлдуз бўлиши керак”²¹ – деган фикрда.

Сиёсатни кўнгилочар кўринишда бозорга олиб чиқиш ва сотиш зарурати сиёсий маълумотларни тақдим этишнинг янги форматини – “политейнмент”ни келтириб чиқарди. Сиёсий кўнгил очиш саноати билан боғлиқ бўлган ушбу ходисани тадқиқотчилар сиёсий шоу орқали давлат сиёсатини оммавий қўллаб-қувватлаш учун ишлаб чиқилган стратегик шакл ёки сиёсий коммуникациянинг бир тури сифатида тушунадилар²². Доналд Трамп ҳам бу стратегиядан муваффақиятли фойдаланган²³.

Кўнгилочар форматлар ва политейнментнинг масс-медиага олиб кирилиши сиёсий мавзуларни инсоннинг ҳиссиётларига йўналтиради. Олимларнинг фикрича, эмоционал омилларни қўллаш онг остига таъсир ўтказди, янги фикр, истак ва хоҳишларни юзага чиқазди. Шунинг учун ҳам, ривожланган Ғарб жамияти политейнментдан кенг фойдаланади.

Бугунги кунда Ўзбекистон шароитида ижтимоий-сиёсий кўрсатувлар олдинги даврга караганда мутлақо бошқача шароитда ишламоқда. Мулкчиликнинг турли шакллари назарда тутган медиатизим янгича ишлашни талаб қилмоқда. Ҳозирда давлат ва нодавлат телеканаллар мавжудлиги ҳисобга олинса, рақобат муҳити кўзга ташланадиган даражада юзага келмоқда.

Давлат телеканалларида ижтимоий-сиёсий мавзуларни тақдим этишда, бир неча ўн йил сақланиб қолган сиёсий телевизион журналистиканинг белгилари – яширин цензура ва сукунат феномени сезилади. Ушбу характерли жиҳатлар телевидениенинг давлатга қарамлиги, ҳукумат қўллаб-қувватлаши ва иқтисодий мустақилликнинг йўқлиги билан изоҳланади. Давлат каналларида сиёсий журналистика жиддий форматдан чиқиб кетолмаяпти. “Sevimli”, “MY5” телеканаллари эса сиёсий кўрсатувларда политейнментдан унумли фойдалангани ҳолда, янги форматда кўриниш бермоқда.

Учинчи бобнинг учинчи бўлими “Инфотейнмент” – телевизион ахборот бозоридаги рақобатбардошлик омили” деб номланган. Унда жаҳон ва миллий телеканалларда рекреатив чиқишларнинг кўпайиши, уларнинг шаклланиши, тараққиёт тенденциялари ва асосий муаммолар илмий-назарий аспектда ўрганилган.

Янги давр журналистикаси ҳақида сўз борар экан, унинг қиёфаси сўзни жозибали қилиб етказиш, томошабин ва ўқувчи онги-шуурига максимал таъсир ўтказиш мақсадида сўнги русумдаги медиатехнологиялардан фойдаланиш урфга айланмоқда. Яна бир эътиборли жиҳати борки, бугунги аудиториянинг куруқ ахборотга талаби ҳам, эҳтиёжи ҳам қолмади. Энди унинг психологияси янгича ахборотларга эҳтиёж сезяпти. Жаҳон журналистикаси назарияси ва амалиётида рекреация, релаксация, гедонизм,

²¹Больш Н. Албука медиа / Н. Больш. – М.: Издательство «Европа», 2011. – С.57.

²²Володина М.Н. О роли СМИ в процессе политической коммуникации (на материале немецких массмедиа) / М.Н. Володина // Политическая лингвистика. – 2010. – 4(34). – С. 9–12.

²³Всеми средствами хорош – Огонек № 34 (5387) от 31.08.2015 (kommersant.ru)

инфотейнмент, инфошоу каби атамалар пайдо бўлаётгани – мазкур заруратларнинг натижасидир.

Кўнгилочар журналистика акс этган бошқа бир атама гедонизм ҳисобланади. Ўзбекистон Миллий энциклопедиясида “Гедонизм (юн. hedone – роҳат, ҳузур, лаззатланиш) — ҳузур-ҳаловатга, лаззатланишга интилиш инсоннинг олий мақсади деб ҳисобловчи ахлоқий таълимот” – деган таъриф берилади²⁴.

Гедонизм – аудиторияни кўнглини олиб, кўнгилхушлик қилиб, шу билан бирга унга янгилик, ахборот, маълумот бериш дегани. Ёки берилаётган ахборот, маълумот шундай мазмун ва шаклда бўлсинки, у аудиториянинг кўнглига тегмасин, энсасини қотирмасин, фойда келтирсин, аудитория ундан мамнун бўлсин, роҳатлансин. Шунда ахборотнинг самараси юқори бўлади. Бу тамойилнинг ҳозир янги варианты пайдо бўлди. У илмий тилда – инфотейнмент деб аталади. “Infotainment” атамаси – инглизчадаги (information (ахборот), “entertainment” эса (томоша ёки хушхабар эшитиб кўнгил ёзиш, ҳордиқ чиқариш) – деганидир.

1980-йилларнинг ўрталарида АҚШ телеканалларининг аудиторияси торайиб, рейтинги тушиб кета бошлади. Бу эса телехизматларнинг иқтисодий, молиявий шароитига салбий таъсир қилди. Ана шунда мутахассислар олдига эфирга ахборот бериш мазмун-моҳияти, шакл-шамойилини ўзгартириш вазифаси кўйилди. Натижада куйидагилар амалга оширилди:

- ахборотни шов-шувлигига қараб дастурлаш принципи жорий этилди;
- расмий хабарлар ҳажман қисқартирилди;
- дастурларни кўпчилик диққатини ўзига тез торта оладиган, ижтимоий ва маданий мавзудаги хабарлар ҳисобига бойитиш масалалари кун тартибига кўйилди.

Ҳозирда Ўзбекистон телеканаллари, хусусан “МУ5” телеканали жаҳон телевизион журналистикасида қўлланилаётган энг сўнгги ахборот етказиш услубларини амалда кенг қўлламоқда. Рекреативлик янгиликни кенг аудиторияга етказишда таъсирчанликни таъминловчи, томошабинбопликни оширувчи муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда.

Диссертациянинг тўртинчи боби **“Телевидениеда рекреатив медиамаҳсулотлар: мазмун ва таҳлил”** деб номланган. Унда информацион телешоулар хусусиятлари, телевидениеда реалити-шоулар юксалиши, телевизион ток-шоунинг жанр сифатида трансформацияси ўрганилган.

Бобнинг биринчи “Информацион телешоулар хусусиятлари” деб номланган дастлабки бўлимида информацион шоу – янгиликлар ва кўнгилочар телешоу элементларини ўзида бирлаштирган телевизион дастурлар тури сифатида тадқиқ этилган. Жанр Ғарб (АҚШ ва Европа) телевидениесининг 24 соат эфирга чиқадиган марказий телеканалларида кенг

²⁴http://n.ziyouz.com/books/uzbekiston_milliy_ensiklopediyasi/O'zbekiston%20Milliy%20Ensiklopediyasi%20-%20G%20harfi.pdf

тарқалган. Россия телевидениесиде ҳам оммалашиб бормоқда. Информацион шоу – инфотейнментга типик намуна бўла олади²⁵.

“Информацион шоу”, яъни ахборотни томоша шаклида, кўнгилочар форматда оммага тақдим этишнинг ўзи деб ҳам тушунмаслик жоиз. Мақсад оммани ахборотга қизиқтириш ҳамда томошабинбоп ва қизиқарли тарзда бера олиш демакдир.

Информацион шоулар бутунлай бошқа формат, янгича композиция ва техник имкониятларни талаб қилади. Инфошоу студия имкониятларидан эркин фойдаланиш, диктор сўзи ва бошловчи монологи каби анъанавий элементларга нисбатан эркин ёндашувни тақлиф этади. Уларда анъанавий янгиликлардан фарқли ўлароқ, студияда ёруғликдан самарали фойдаланиш, томошабин ва телеижодкорлар фаоллиги кузатилади. Информацион шоулар хронометражи анъанавий янгиликлар дастурларидан фарқланиши мумкин. Бу жиҳатдан ишда ўрганилган сюжетларда “информацион шоу”га хос бўлган оҳанграбо бор. Сюжет эфирга узатилгунга қадар бошловчилар комбинацияси одамда илиқ таассурот уйғотади, экрандаги ёрдамчи унсурлар, жумладан фотолавлар эса сюжетни охиригача қизиқиб кўришга ундайди.

Ахборот етказишнинг ноанъанавий шакллари хусусида гапирганда, Россияда телевидение консерватив аҳамиятга эга бўлиб, лекин классик янгиликлар дастурлари фониде марказий телеканалларда информацион шоу жанридаги дастурлар ривожланмоқда. Мисол тариқасиде НТВнинг “Центральное телевидение” (“Марказий телевидение”), “Анатомия дня” (“Кун анатомияси”)²⁶, “Итоги дня” (“Кун якунлари”), РЕН-ТВнинг “Свободное время” (“Бўш вақт”) кабиларни айтиб ўтиш мумкин. Дастур иждоқорлари инфошоунинг асосий фарқини 3 омилде кўриш мумкинлигини қайд этадилар:

1. Форматдаги фарқлар;
2. Воқеаларни ёритишда кўп узвли жанрлар элементларидан фойдаланиш;
3. Ахборот тақдим этишдаги ноанъанавий ёндашув.

Одатда инфошоулар аҳолиде эҳтиёж юқори бўлган мавзуларда тайёрланади. Бугун омма нимани истаяпти? Қандай ахборотларга талаб юқори? Бу саволлар инфошоунинг томошабинбоплигини таъминлайди. Бугун Ўзбекистон телеканалларида инфошоулар даври бошланди. Бу ҳозирча нодавлат телеканалларда (“Замон” ахборот дастури (“Севимли”), “Марказий студия” (“МУ5”) кузатилмоқда. Давлат телеканалларининг информацион дастурларида инфошоулар деярли кузатилмаяпти.

Бобнинг иккинчи бўлими “Телевидениеде реалити-шоулар юксалиши” деб номланган. “Реалити-шоу” термини сайёрамиз аҳолиси лексиконига 1999 йил сентябрда, Голландиядаги кичик телеканалда пайдо бўлган “Большой брат” шоуси жорийлангач кириб келди – деб ёзади россиялик

²⁵<http://cyclowiki.org/wiki/>

²⁶“АНАТОМИЯ ДНЯ” новое информационное шоу | НТВ Америка. ntva.tv. Проверено 25 апреля 2016.

тадқиқотчи Дмитрий Вишняков²⁷. Мақола “Что такое реалити-шоу - развлечение или...?” (Реалити-шоу нима – кўнгил очишми ёки...) деб номланади. Унда замонавий телеканалларда кенг оммалашган шоулар таҳлил қилиниб, уларга фақатгина кўнгилочар дастур сифатида қараш қай даражада тўғри бўлади, деган савол ўртага ташланади. Шоулар типларга ажратиб чиқилганда реалити-шоуларда рекреативлик, кўнгилочар элементлар устувор аҳамият касб этса-да, жамият ҳаётидаги жиддий масалалар ҳам намоён бўлади.

Реалити-шоулар асосан кўнгилочар дастурлар бўлиб, реал ҳаётни акс эттиргани боис, жамоатчиликка қизиқиш уйғотиб келган. Инглиз тилидан “reality” сўзи таржима қилинганда, “реаллик”, ҳақиқий деган маъноларни англатади²⁸. Реалити-шоуни кузатаётган томошабин ўзини ўша муҳитга тушиб қолгандек ҳис этади. Ҳар бир реалити-шоунинг ўз сценарийси мавжуд. Режиссура устида алоҳида бош қотирилади. Кўрсатув устида жуда катта тасвирга олиш гуруҳи ишлайди. Рус телевидениесида энг машҳур воқелик, шов-шувли ва тугамайдиган шоу “Дом-2” ҳисобланади.

Бундай дастурларнинг асосий тамойиллари сифатида ҳақиқат ва реалликка асосланишни кўрсатиш керак. Ана шу қонуниятга амал қилинмаса, телеэкран қаршисидаги томошабин мавзуга унчалик қизиқмайди. Уларда ўртага ташланадиган мавзулар ўзига хослиги, оригиналлиги, бетакрорлиги билан аудиторияни жалб қилиши керак. Қаҳрамонлар нимани ўйлашса, шу ҳақда гапиришлари кўрсатувнинг янада жонли чиқишига ёрдам беради. Аммо, маълум даражада, миллий аудитория дунёқарашининг бузилиши ва менталитетга дарз кетиши ҳам кузатилади.

Nielsen Media Research²⁹ компанияси маълумотларига кўра, жаҳон телевидениелари дастурларининг 69 фоизини реалити-шоулар ташкил этади. Улар бир нечта тоифага бўлинади. Биринчиси, ҳужжатли услуб (documentary style) деб номланади. Бунда тасвирчи ва муаллиф жараённинг фаол иштирокчиси сифатида эмас, балки пассив кузатувчи мақомида иш олиб боради. Бу услуб хорижда “fly on the wall” (инглиз тилидан сўзма-сўз таржима қилинганда “девордаги пашша”) ёки реал кино (cinema verite) деб аталади.

Реалити-шоуларнинг яна бир тури – махсус яшаш шароитлари яратилиши – special living environment деб номланади. Қоидага кўра, дастур иштирокчилари бир-бирларини умуман танимайдилар. Улар нотаниш кишлоқ, шаҳар ёки бошқа бир объектга маълум бир муҳитда жойлаштирилади. Бу жараёнларни ташкил этиш, шароит яратиш, кузатиш буларнинг барчаси ташкилотчиларнинг тасаввурига боғлиқ. Ушбу ғайриоддий шароитларда уларнинг ҳаракатлари кузатилади. Мисол учун, “Sevimli” телеканали ижодкорлари томонидан тайёрланган “Ижарага энага” кўрсатувида ҳам шаҳарлик, турмушга чиқмаган қиз бир хонадонга бориб, болаларга энагалик қилади. Жоиз бўлса, айрим фавқулодда ҳодисалар

²⁷<https://shkolazhizni.ru/culture/articles/1542/>, 02.04.2019.

²⁸<https://что-ето-такое.ru/reality-show>, 02.04.2019.

²⁹Audience measurement // Nielsen Media Research. URL: <http://nielsen.com/us/en/reports.html>, 15.03.2020.

уюштирилади ва қаҳрамоннинг вазиятдан қандай чиқиб кетиши тасвирга олинади.

Реалити-шоуларнинг бошқа бир тури – юлдузлар ҳаёти (celebrity reality) бўлиб, томошабинлар машҳурларнинг кундалик ҳаётларини кузатишади. “Milliy” телеканалининг “Нишонда” кўрсатувини бунга мисол сифатида кўрсатиш мумкин. Мазкур лойиҳа дастлаб ижтимоий тармоқда машҳур бўлгач, “Milliy” канали шартнома асосида лойиҳага эфирдан жой берди. Кўрсатувда санъаткорнинг яшаш шароити, оилавий аҳволи, дарди, қувончи, сирлари, дўстларга муносабати, аччиқ гап ва танқидларга жавоб изланади. Бу турдаги шоуларга хос бўлган яна бир хусусият – одатдаги иш муҳити, “профессional фаолият” (professional activities) ёритилиши ёки бирор асарни яратилиши жараёни ҳақида сўз юритилишидир.

Шоуларнинг яна бир машҳур тури “яширин камера” (hidden camera) деб номланади. Одатда бу турда тасодифий ҳолатлар, кулгили вазиятлар ва баъзан нафсониятга тегувчи ҳолатлар олиб чиқилади. Асосийси, яширин камеранинг мавжудлигини ҳеч ким сезмайди. Чунки, иштирокчиларнинг ҳолатга муносабати томошабинлар учун жуда муҳим: кимдир самимий кулади, кимдир ғазабланади ва кимдир ажабланади. “Zo`r TV”нинг “Хафа бўлиш йўқ” лойиҳаси бунга яққол мисол бўлади.

“Телевидение фойдали турмуш тарзини шакллантиришга ёрдам беради. Ютуқларга эришишнинг энг мақбул йўллари, гўзаллик, мода, машҳурлар ҳақидаги кўрсатувлардан завқ олган томошабин ўз эҳтиёжларини қондириш учун савдо дўконларига жўнайди”.³⁰ Бу йўсиндаги чиқишлар миллий каналларда борган сари кўпаймоқда. Янги турдаги модалар, таом тайёрлаш ва шахсий имижни ўзгартиришга бағишланган “Тўйгача”, “Хос ва мос”, “Бир зумда” каби кўрсатувлар томошабинлар орасида тез машҳур бўлди.

Бундай чиқишларнинг муваффақиятларига:

- кўрсатувлар имижига ўзгаришлар олиб кирилиши;
- заставкаларнинг мунтазам янгилаб борилиши;
- мусиқий безакларга эътиборнинг кучлилиги;
- режиссурага кенг аҳамият қаратилиши;
- муаллифларнинг эркин фаолият олиб боришига шарт-шароит яратилиши;
- ва, энг муҳими, томошабиннинг кўнгилга қараш, унга ёқадиган рекреатив технологиялар ҳамда кўнгилочар элементлардан фойдаланиш тамойилига эътибор берилди.

Бобнинг сўнгги бўлимида “Телевизион ток-шоунинг жанр сифатида трансформацияси” тадқиқ этилган. Бугунги кунга келиб мамлакатимиздаги давлат ва нодавлат телеканаллар орқали эфирга узатилаётган ток-шоулар ҳам халқ билан мулоқотнинг энг самарали усули сифатида намоён бўлмоқда. Марказий телеканаллар, вилоятлардаги маҳаллий телевидениелар, нодавлат студиялар бу жанрдаги кўрсатувларга кенг эътибор қаратмоқда ва аҳоли

³⁰ Уэбстер Ф. Теории информационного общества. Пер с англ. М.В.Арапова, Н.В.Мальхиной. Под ред. Е.Л.Вартановой. – М.: Аспект Пресс, 2004. – С.208-209.

рекреатив характердаги мазкур медиамаҳсулотлар орқали муаммоларга ечим, саволларга жавоб топмокда.

Россиялик олимлар ток-шоуларни 4 турга бўлиб ўрганган³¹. Йўлдошли алоқа техникалари ёрдамида икки ёки ундан ортиқ географик ҳудудда турган ҳолда ўзаро боғланиш – телекўприкларни, интервью, баҳс, репортаж жанрлари узвларини ўзида ифодалаган, номзодларнинг сайловолди тарғибот ишларида фойдаланиладиган теледебатларни, диалог ёки полилог (кўп одамлар) шаклидаги, баъзида кино ёки фотоҳужжатлар, қисқа лавҳалардан фойдаланиладиган суҳбатларни, кўпчилик иштирокидаги икки кишидан кам бўлмаган асосий қатнашчиларнинг нуқтаи назари, ижтимоий аҳамиятга эга муаммолар таҳлиliga бағишланган баҳс(дискуссия)ларни ток-шоуларнинг турлари сифатида келтирган.

Мутахассислар шоуларни бир-биридан фарқли томонларини инобатга олган ҳолда бирор-бир жиддий мавзу таҳлиliga бағишланган кўрсатувларни ток-шоу, мусиқа, санъатга алоқадор, дам олиш вазифаси юқори турувчи кўрсатувларни телешоу деб номлашмокда. Одатда шоулар фақат телевидениеда эмас, турли давлат ва жамоат ташкилотлари томонидан йирик дастурлар кўринишида ҳам ташкил этилади. Аммо, мазкур жанрлар мазмун-моҳиятига кўра турли туркумларга мансуб бўлиб, “ток-шоу” таҳлилий, “телешоу” бадий-публицистик жанрларга киритилган. Телешоуда дам олиш хусусияти, яъни рекреативлик бирмунча юқори.

Инфошоу, реалити-шоу, шоу, ток-шоу – буларнинг барчаси рекреатив функцияни бажарар экан, омманинг уларга қизиқиши жуда юқори. Шу боис рекреатив ва реклама-маълумот бериш функцияларининг ўзаро боғлиқлигини шундан билиб олиш мумкинки, нархлар ва хизматлар тўғрисида маълумот бериш орқали реклама нафақат танлашга ёрдам беради, балки истеъмол маданиятини шакллантиради, турли рекреация шаклларининг оммавийлашувига таъсир қилади ва шунинг учун ҳам оммавий муносабатларни назорат қилади. ОАВ қизиқиш билдирган мижозлар учун маҳсулот ёки хизматни самарали тарғиб қилиш воситасидир. Шунингдек, улар инсоннинг ҳақиқий эҳтиёжларига мос келмайдиган товарлар ва хизматларни тақдим этиш, ҳаддан ташқари ва ёлғон эҳтиёжларни шакллантириш ёки бузувчи рекреация шаклларини оммалаштириш орқали ҳам зарар етказиши мумкин. Истеъмол меъёрларининг турмуш тарзи табиати билан ўзаро боғлиқлиги реклама ва рекреатив функцияларни амалга оширишнинг маданий ва мафкуравий контекстида ўзаро боғлиқлигини кўрсатади.

Ишнинг сўнги боби **“Рекреатив кўрсатувларнинг тили ва услубидаги жараёнлар таҳлили”** деб номланган. Унда рекреатив медиаматнларда тил воситаларини қўллаш, рекреатив кўрсатувлар услубидаги янгиланишлар, рекреатив лойиҳаларда самарадорликни таъминловчи омиллар ўрганилган.

³¹Вакурова Н.В., Московкин Л.И. Типология жанров современной экранной продукции. – М.: 1997. – С.24 -36.

Бобнинг биринчи бўлими “Рекреатив медиаматнларда тил воситаларини қўллаш” деб номланади. Телевизион журналистикада бошловчи (муаллиф) тили ва услуги масаласи алоҳида ўрин тутди. Рекреатив кўрсатувлар аудиториянинг яхши кўриб томоша қиладиган дастурлари қаторида турар экан, интерактив мулоқотлар, ўзаро баҳс ҳамда тортишувлар, фикр-мулоҳазалар билдириш жараёнида ҳар бир шахснинг индивидуал мулоқот маданиятида ўзгаришлар кириб боради. Шу тариқа: “Радио ва телевидение тили бутун мамлакат фуқаролари тилининг ривожланишига таъсир кўрсатади. Радиоэфирда ёки телевидениеда янграган янги сўз ва иборалар тез кунда ҳаммага тарқалиб, модага айланиб кетади. Бу эса телерадиожурналистлар тилига алоҳида масъулият юклайди. Улар тил маданиятини асраши, жонли, ширали, адабий тилда гапириши зарур”.³² Аммо, бу масала аксарият нодавлат телеканалларда ҳалигача ўз ечимини топмаяпти.

Давлат тили ва унинг мавқеи ҳақида гап кетаётган ҳозирги пайтда кўрсатувларга ажнабий номлар қўйиш урфга айланмоқда. Телеканаллардаги дастурлар номлари таҳлил қилинар экан, гарчи номи миллий бўлса-да, “Milliy” телеканалда 10 номда, “Zo`r TV” да 13 номда, “Yoshlar” телеканалда 8 номда хорижий тиллардаги сўзлардан кўрсатувларни номлашда фойдаланилган. Бундай амалиёт вирусли касалликка ўхшайди. “MY5”, “Navo” телеканалда биттадан шу каби лойиҳалар учради. “Sevimli” телеканалда ажнабий номлар учрамаганини ижобий баҳолаш зарур. Ўз она тилимизда ишлатиладиган сўзлар билан кўрсатув рейтингини ушлаб турса ҳам бўлади. Бунга “Зирапча”, “Ширчой”, “Нишонда”, “Ҳудуд”, “Меҳр кўзда”, “Оталар сўзи – ақлнинг кўзи”, “Мени кечир”, “Марказий студия”, “Хайрли кун” сингари лойиҳалар номлари бемалол мисол бўла олади.

Миллий телеканаллар масъулларининг ўзбек тилига бўлган бундай муносабатини ҳеч нима билан оқлаб бўлмайди. Хориждан кириб келган, аудитория онгига сингдирилаётган, мулоқотда ҳам кенг қўлланилиши бошланган ажнабий сўзлардан имкон қадар воз кечиш лозим. Агар ўз вақтида чора кўрилмаса, тил бузилади, дид бузилади, дунёқараш ўзгаради, Ғарбга ҳавас уйғонади, ғарбликларга тақлид кучаяди, “оммавий маданият”га йўл очилади. Биз ҳеч иккиланмай буларга ўзимиз йўл очиб беряпмиз. Эътибор берилса, хорижий сўзлардан кўрсатувга ном бериш анъана тусини олди. Ижодкорларда омма эшитмаган янги сўзлар билан тижорий муваффақиятга эришиш бош мақсад қилиб олинган.

Бобнинг иккинчи бўлимида “Рекреатив кўрсатувлар услубидаги янгиланишлар” ўрганилган. Истиклолнинг илк йилларида атиги бир нечта телеканал фаолият кўрсатган бўлса, бугун уларнинг сони 70 дан зиёд. Кўрсатувлар қамрови, йўналиши, савияси ҳам сезиларли юксалмоқда: турли мавзуларда кўрсатув ва ток-шоулар, кўнгилочар дастурлар халқимиз эътиборига ҳавола этилаётир. Ўзбекистонда телевидение соҳаси тараққиёти силсилисида нодавлат телеканалларнинг ҳам ривожланаётганини ва айни

³²Фихтелиус Э. Журналистиканинг 10 қондаси. – Т.: Шарқ, 2002. – Б.121.

пайтда уларда креативлик(ижодкорлик)ка кенг эътибор қаратилаётгани, янги ғоя ва лойиҳаларнинг жорийланаётгани аҳолини теледастурларга кизиқтиради. Мисол учун, МУ5 телеканалининг “Марказий студия” лойиҳаси миллий телеканалларда учрамаган алоҳида медиамаҳсулот сифатида оммани жалб этмоқда. Хусусий телеканалларда эркинлик ва тасвирга чуқур эътибор қаратилаётгани улар муваффақиятини таъминлайди.

Нодавлат телетармоқларда кўрсатувлар сифатини ошириш учун оммани фақат дам олишига кўмаклашадиган эмас, фикрлашга ундайдиган, уларни кизиқтира оладиган, фанга, илмга бошлай оладиган, стимул бера оладиган, мулоқотга чорлай оладиган янги лойиҳалар зарур. Бошловчи томошабинга шахсий намуна бўлиши – кийиниш маданияти, нутқ маданияти сингари жиҳатларга эътибор зарур. Ва энг асосийси кўрсатувлар сифатини ошириш учун профессионализм керак.

Жамият ҳаётидаги ўзгаришлар аҳоли психологиясига жиддий таъсир кўрсатмоқда, чунончи кишиларда дам олиш, ҳордиқ чиқариш ва кўнгил очиш руҳидаги кўрсатувларга мойиллик кучаймоқда. Ушбу талаблар асосида ёки жавоб ўлароқ, телевидениеда рекреатив кўрсатувлар туркуми вужудга келди, оёққа турди, шаклланди ва бу жараён давом этаётир. Каналлараро рақобат шароитида реклама ва пул топиш, медиабизнесда ғалаба қозониш учун рекреатив ёки кўнгилочар элементлардан фойдаланилар экан, улар “оммавий маданият”нинг илдиз отиб кетишига, аҳоли маънавиятининг тушишига сабаб бўлмаслиги, балки, ахборотни етказишда, томошабин томонидан осон ва энгил қабул қилинишида ёрдамчи, фойдали технология сифатида намоён бўлмоғи мақсадга мувофиқдир.

Бобнинг сўнги бўлими “Рекреатив лойиҳаларда самарадорликни таъминловчи омиллар”га бағишланган. Ҳар бир ижодий асар ўзининг оригинал қаҳрамони, қизиқарли воқеаси, қутилмаган журналистик топилмалари билан томошабинни эфир, экран олдида маҳкам ушлаб турмоғи керак. Инсон шахси нега инсон учун ҳамиша қизиқиш уйғотиб келган? Сабаби битта, инсон ҳар доим ҳаракатда, меҳнатда, курашда, ихтиро қилишда, яъни – яратувчилик, бунёдкорлик, креативлик билан банд. Рекреатив лойиҳаларда дастлабки самарадорлик омили қаҳрамон билан боғлиқ.

Замонавий телевидение ижодкордан юксак билим, кенг дунёқараш ва маҳорат талаб қилади. Бу – телевидениенинг рекреатив вазифалари билан ҳам узвий боғлиқ. Телесценарийда акс этган ҳар бир жумла, экранда кўринаётган тасвир, ҳаттоки, кадр ортидан янграётган муסיқа ҳам кўрсатувнинг оммавийлиги ва томошабинбоплигини таъминлашга улуш қўшади. Ушбу сўзлардан Ўзбекистон телевидениесининг рекреатив функцияси халқнинг тафаккури ва маънавияти билан боғлиқлиги яққол намоён бўлмоқда. “ТВ мутахассисининг билими, истеъдоди, электрон телевидениедан эстетик мақсадларда фойдалана олиши, ижодида давр талабларини ҳисобга олиши, миллий истиқлол ғоясининг туб моҳиятини

англаб, унинг телевизион тавсифини бера олиши, умуман, ҳозирги телевизион ижод бу соҳа ривож топа бориши учун хизмат қилади”.³³

Ахборот асрида замонавий журналистикада кечаётган жараёнлар таҳлили шуни кўрсатмоқдаки, ахборот-коммуникация технологияларининг соҳага кириб келиши, рақамли журналистиканинг жорийланиши, Интернетнинг ОАВ сифатида пайдо бўлиши ва бошқа воситаларга таъсир кўрсатиши ахборотлар оқимини кўпайтирди ва ОАВ тизимида тубдан ўзгаришлар содир бўлмоқда. Аҳолининг талаб ва эҳтиёжлари, психологиясида кузатилаётган ўзгаришлар инobatга олиниб, ахборот етказишнинг тезкор, таъсирчан ва самарали усул ҳамда шаклларида фойдаланиш тизимга янгиликлар олиб кирмоқда. Бу ўзгаришлар жанрлар орқали намоён бўлади.

Жанр журналистик асарларнинг барқарор шакли ҳисобланиб, у уч устунга предмет, вазифа ҳамда услубга асосланади. Ҳар бир жанр муайян ҳаётий материалнинг тури асосида ишлайди³⁴. “Предмет” жанрнинг муҳим асоси ҳисобланиб, журналист асар ёзишда улардан бирини танлайди. Уч устуннинг иккинчиси “вазифа” бўлиб, у журналистнинг асар ёзишдан кўзлаган мақсадига қараб белгиланади. Мисол учун, мақола ёзишдан мақсад “нима учун” деган саволга жавоб топиш, жамоатчилик фикрини мазкур жанр орқали шакллантириш ҳамда муайян муаммоларни ҳал қилишга қаратилган. Бу бошқа жанрларда ҳам худди шундай тақсимланади. Хабарда “нима содир бўлаётгани”га, репортажда воқеа “қандай содир бўлгани”га урғу берилса, интервьюда эса олд ўринга фикр, шахсий қараш олиб чиқилади. Жанрнинг сўнгги хусусияти ахборот билан ишлаш услубидир. Агар аналитик жанрлар хусусида гап борганда – кузатиш, ҳужжатлар билан ишлаш, сўров методларидан фойдаланиш мумкин.

Соҳа мутахассисларидан бири О. Бардиян: “Юқори сифатли амалий журналистика бир вақтнинг ўзида барча вазифаларни – мафкуравий аҳамият касб этиши, барча соҳалардаги билимларни тарқатиш орқали шахсни тарбиялаши ва ривожлантириши, онгни озиклантириши ва ҳар қандай ахборотни “мазаси” билан қолдириб, уни позитив тарзда оммавий етказиш керак” – дейди. Шунини ёдда тутиш жоизки, намоёниш этиладиган асарлар қизиқарли бўлса, ҳис-туйғу ва сезгиларга таъсир қила олса, эътиборни жалб этиб, диққатни тортадиган, шунингдек, оммани ривожлантиришга ёрдам бера олса шундагина журналистика ўз вазифаларини тўлиқ бажаради.

ХУЛОСА

Тадқиқотимиз хулосасини уч қисмга бўлиб, тақдим этишни лозим кўрдик.

Биринчи. Телевизион шоуни икки маънода тушуниш мақсадга мувофиқ. Тадқиқотда кўрсатганимиздек, кенг маънода телевидениенинг ўзи

³³ Акбаров Ҳ. Кино-, теледраматургия: назария ва амалиёт. Т.: Pmziyo, 2006. – Б.21.

³⁴https://ru.wikibooks.org/wiki/Классификация_жанров_журналистики, 25.11.2016.

шоудир, у қайси мамлакатда, қандай типда, йўналишда, мавзуда, планда ёки жанрда бўлишидан қатъи назар. Ҳар бир кўрсатув айнан ҳаётнинг ўзи эмас, балки борлиқнинг имитацияси, сьемкадир. Сьемка бўлганидан кейин бу ерда ҳақиқий ҳаёт саробга айланади, чунки унга принципиал равишда субъективлик аралашади. Бу субъективлик сценарий муаллифи, режиссёр, овоз режиссёри, оператор ва бошқаларнинг фаолиятида ҳамда кўрсатув учун мавзу қидиришда, уни ишлашда, муаллифларнинг ёндашувида, топилган фактлар ва уларнинг талқинида, услуб ва тилни танлашда намоён бўлади. Демак, ТВ – бу ҳаётнинг ўзи эмас, балки, унинг аксидир (тасвир маъносида).

Шуни таъкидлаш зарурки, телевидение соҳасида ўзбек ва рус олимлари илмий ижод қилган. Улар ичида, сўзсиз, Тошкентда таваллуд топган, Совет иттифоқида телевидение назарияси бўйича биринчи фан доктори (1973) ва самарали ижодкор А.Я.Юровский етакчи ўрин эгаллайди. Аммо бу соҳада ўнлаб фан доктори, фан номзоди ва изланувчи борлигига қарамадан, айтиш мумкинки, тадқиқотимизда тилга олинган Виталий Третьяковнинг “Теория телевидения. ТВ как неоязычество и как карнавал” маърузалар курсигача бу медианинг назарияси анъанавий равишда талқин қилинаётган эди. Телевидение амалиёти кенг қамровли бўлиб, йилдан йилга янги тасвир, ғоя ва ёндашувларга бойиб бораётганига қарамай, унинг назарияси анъанавийлигича қолди. Совет иттифоқи парчаланганидан кейин, телевидение амалиётида кескин янгиланиш кузатилган бўлса-да, унинг назарияси орқада қолиб, ҳатто қашшоқлашиб қолгани айни ҳақиқат. Натижада, В.Третьяковнинг китоби замонага мос тадқиқотлардан бири бўлди. Биз ўз изланишимизни айнан бугунги талабларга мос равишда олиб боришга ҳаракат қилдик.

Иккинчи. Мавзуни ўрганиш натижасида қуйидаги илмий-назарий хулосаларга келинди:

1. Тадқиқот олдида қўйилган мақсадга мувофиқ ижтимоий ҳодиса сифатида рекреациянинг муҳим хусусиятлари, шакллари ўрганилди ва аниқланди, жамият ҳаётида рекреация шакллари ва механизмларининг шаклланиши ҳамда ривожланиши кўриб чиқилди. Мавзуга дахлдор бўлган олдинги тадқиқотлар гедонизм, кўнгилочар журналистика, релаксация, маълум бир эмоционал-психологик ҳолат тадқиқи, стрессни енгиллаштириш, ақлий мувозанатга эришиш каби йўналишларда олиб борилган. Уларни битта умумий ном – медиада рекреативлик ёки ОАВнинг рекреатив вазифаси деб қўлланилиши керак – деган фикрга келинди.

